

**Ү. Йўлдошев, М.Юсупов.**

# **ДИСТЕРВЕГНИНГ ДИДАКТИК ҚОИДАЛАРИ**

**ФАН**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**Ў. Йўлдошев, М.Юсупов, А.Зияев**

**ДИСТЕРВЕГНИНГ ДИДАКТИК ҚОИДАЛАРИ**

*Илмий рисола*

Тошкент  
ЎзРФА “ФАН” нашриёти  
2009 йил

Ушбу илмий рисолада XIX асрнинг буюк педагоги Ф.А.В.Дистервегнинг «Немис ўқитувчиларини ўқитиш учун қўлланма» асарида келтирилган дидактиканинг 33 қоидаси, мазмун ва моҳияти баён этилган.

Ушбу илмий рисола педагогика институти ва педагогика коллежи талабалари, магистрантлар, аспирантлар ва тадқиқотчилар ҳамда ўқитувчилар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** **У.Й.Акбаров.**

**Тақризчилар:** **доцент М.Толипов.**

Ушбу илмий рисола Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти ўқув-услубий кенгаши йиғилишида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

## **Кириш.**

Атоқли немис педагоги Фридрих Адольф Вильгельм Дистервег 1790-1866 йилларда яшаб ижод этган. У ўз ижоди давомида 400 дан ортиқ илмий мақолалар, 20 дан ортиқ дарсліклар муаллифи. Унинг “Математик география учун қўлланма”, “Элементар геометрия” каби асарлари билан бирга, 1835 йилда нашр этилган “Немис ўқитувчиларини ўқитиш учун қўлланма” асари бугунги кунда ҳам бутун дунё педагогларининг севимли ва муқаддас китобидир. У Германиянинг нуфузли мактаб ва гимназияларида математика, физика, педагогика ва немис тилидан дарс берган.

Фридрих Вильгельм Адольф Дистервег ривожланувчи (такомиллашиб борувчи) таълим назариясини ишлаб чиқишида улкан ҳисса қўшган ва ушбу назарияни давом эттирган олим.

Дистервиг таълимоти бўйича онгли ташкил қилинган тарбия уч принципни(қоидани) ҳисобга олишни назарда тутади: табиий уйғунликни (яъни болани табиий хусусиятларини: ёши, индивидуал, жисмоний ва психологик ривожланишини); маданий ва маънавий уйғунликни(боланинг яшаш шароити, миллий маданиятини) ва ижодкорликни( болаларни ижодий фаоллигини ривожлантиришга интилишни).

Ушбу принципларга таянган ҳолда Дистервег «Немис ўқитувчиларини ўқитиш учун қўлланма» номли машҳур китобида дидактик қоидаларнинг бутун бир тизимини ишлаб чиқди. Бу китобда ўқитувчилар учун жуда муҳим бўлган тавсия ва маслаҳатлар мавжуд бўлиб, унда ўз устида ишлаш, малака ошириш, педагогика ва методикани тинимсиз ўрганиш каби фикрлар баён қилиб берилган.

Дистервег ўз ҳаётини ўқитувчилик касбига бағишилаб, болаларни таълим ва тарбиясида ўқитувчи ҳал қилувчи роль ўйнашини амалий кўрсатиб берди. У ўзи ҳаёт чоғидаёқ “немис муаллимларининг муаллими” деган фахрли унвонга эга бўлган.

Қуйида берилган бир қатор дидактик қоидалар Дистервегнинг «Немис ўқитувчиларини ўқитиш учун қўлланма» китобидан олинган бўлиб, Дистервег бу қоидаларни ўқувчилар шахсига, ўқув предметига, таълим шароитларига ва ўқитувчига тааллуқлидир деб эътироф этган.

## I. Ўқувчи шахсига қаратилган таълим қоидалари

### 1. Табиий уйғунликда ўқит!

Ушбу қоидага асосан ўқувчини ҳақиқатга, яхшиликка ва гүзәлликка хизмат қилувчи шахс қилиб ўргатиш керак. Ўқитиши одамзот табиатига, унинг ривожланиш қонунларига мос бўлиши лозим. Бу ҳар бир таълимнинг бош, энг олий ва асосий қонунидир. Агар таълим жараёнида қўлланилаётган методни, принципни табиатга уйғунлиги исботланган бўлса, ушбу метод, принцип тўғри демақдир. Нимаики бола табиатига ва табиийликга қарши бўлса, у нотўғри ва албатта яроқсиздир. Шунинг учун ўқитувчининг врачга ўхшаб боланинг табиатини, унинг хусусиятларини, интилишларини ўрганиши жуда муҳимдир. Ўқувчининг ҳоҳишини, интилишини вақтинча тақиқлаш(маън килиш), йўқотишига ҳаракат қилиш мумкин, аммо уларнинг барчаси бефойда. Чунки бу интилишлар барibir яшайди, вақти–вақти билан намоён бўлади, юзага чиқади. Шунинг учун, яххиси бу ҳоҳиш ва интилишларни ўрганиб, уларни яхшиликка йўналтиришага ҳаракат қилинса яхши натижка беради. Табиатга қарши эмас, балки табиат ёрдамида врач касални даволаши мумкин, табиат врач ёрдамида касални енгади. Касални табиатини ўрганмаган врачни ҳамма дори дармонлари бефойдадир. Врач табиатни ўрганса, унга мадад бўлса касал тузалади. Ҳар бир санъат фақат табиат ёрдамида натижага эришиши мумкин, аммо табиатга қарши чиқса ҳеч нарсага эришмайди. Ҳар бир эришган ютуғимиз юзаки қарагандагина бизнинг ютуғимиз, аслида эса бу табиат ютуғи. Техниканинг оламшумул кашфиётлари ҳам одамзодни табиатнинг кучидан моҳирона фойдаланишдир. Табиат олдида одам ҳеч нарса эмас, фақат табиат билан биргалиқда у буюқдир. Табиат қонунлари, кучлар-бу борлиқдир. Дунёдаги барча ёвузлик, жиноятни келиб чиқишининг сабаби-одам табиатининг, ҳоҳишининг қоникмаганлигидир. Табиатга сунъий тўсиқ, чегара қўйиб кузатганлар унинг қаршилик кучи нақадар даҳшатли эканлигини билади.

Одам табиати ҳам шу каби кучлидир. Табиат унга қанча куч берганини билмай туриб, унинг интилишларини ўзгартириб бўлмайди. Аммо ҳар бир етук одам бу табиат берган куч, имкониятдан фойдаланган ҳолда уни тарбиялаш ва ўқитиши натижасида юзага келгандир. Инсон табиатига нотўғри муносабатда бўлиш билан уни ўлдириш мумкин, аммо бутун инсониятни ўлдириб бўлмайди. Ҳудди кулдан пайдо бўладиган феникс қуш каби ҳар бир туғилган чақалоқда табиат яна туғилади ва ўзига қарши бўлган ҳодиса ва таъсирларга қарши кураш бошлайди. Бу кураш бир дақиқа ҳам сўнмайди. Дунёда табиатдан кучлироқ нарса йўқ, шунинг учун у ҳар доим ғолибдир.

Ахир қанча ирим сирим, зулмат, ёлғон, тұхматларга қарши ақл заковат ғалаба қозонади. Табиатта қарши қанча қонунлар үйлаб чиқарманг, қанча құл қилишга ҳаракат қилманг барыбир бир кечада янги қанотлар үсіб чиқади. Ҳеч кутилмаган вақтда у вулқондай отилиб чиқади. Даҳшатли күч билан барча қаршиликтарни синдириб ташлайди. Шу каби, инсониятни, ҳалқни табиатини тушунмаган, үрганмаган кишиларни, айниқса мансабдорларнинг холига вой дейиш мүмкін. Табиат үзини устидан хукмронликни, әркаликин күтартмайди, у албатта қасос олади. Фақат табиат билан биргалиқда бўлиш баҳт келтиради. Тарбия бу –санъат, санъат эса табиатсиз яшолмайди. Агар инсонда ғайри табиий ҳусусиятлар, ички ёки ташқи заифликлар кузатилса, демак улар ғайри табиий кучлар таъсиридан пайдо бўлган бўлади. Табиат ҳақ, у ҳеч қачон болада ишончсизлик, заҳарли ҳаёт ва шу каби бошқа иллатларни пайдо қилмайди, улар нотўғри таъсир натижасидир.

Қуйидаги қоидаларнинг кўпчилиги табиатга уйғунлик принципига асосланган. Бу қоидалар табиатга уйғунлик принципига бўй сунган бўлади ёки бевосита ундан келиб чиқади. Улар биринчи ўринда туради. Уларга аҳамият бериш керак.

## **2. Ўқитиш жараёнида ўсмири болаларнинг табиий ривожланиш босқичидан фойдалан!.**

Одамнинг 14 ёки 16 ёшгача бўлган ўсмирлик чоғини уч поғонага ажратадилар: 1. Кўриш, эшитиш ва бошқа хиссиётлар поғонаси. 2. Хотира поғонаси. 3. Тушуниш, фикрлаш поғонаси. Ҳозир бу уч поғонага тўрттинчи поғона–онг поғонаси ҳам қўшилган. Бу тўғри албатта, ўқитиш жараёнида уларга аҳамият бериш керак, аммо боланинг ҳаётида бу поғоналарнинг аниқ, кескин чегараси йўқ. Ҳамма болалар ҳаётининг маълум бир даврида, масалан тиши чиқаётган вақтида ёки 10 ёшда баъзи умумий ҳусусиятга эга бўлиш билан бирга, бошқа-бошқа күч, имконият, қобилиятга эгадир. Турли даврда у ёки бу ҳиссиётлар бош ролни ўйнайди, аммо бошқа сезгилар ҳам йўқолмайди. Юқоридаги каби тоифаларга ажратиш услугуб жиҳатдан жуда қулай бўлиб, аммо хаётий эмас, чунки улар фақат қўлланма учун сарлавҳа, схема вазифасини ўтайди. Масалан, Гегель ёки Кантларнинг кўриш, тушуниш, фара兹 қилиш, фикр юритиш, хулоса чиқариш каби категориялари ҳам умумий ва тушунарсиз тушунчалардир, амалий бефойда эканлигини исботламаса ҳам бўлади. Ҳар ҳолда табиийлик принципи ҳақида гапирап эканман, юқорида айтилган фикрлар қуруқ гап бўлиб қолмаслиги учун ривожланиш поғонаси, ёки ривожланиш даври деган фикрларни аниқроқ ифода этиш керак деб ҳисоблайман. (Бу тушунчани ривожланиш даври деб аталгани тўғрироқ.). Бу масалани фақат мавжуд тажриба ва уни таҳлил қилиш билан ҳал этиш мүмкін.

Боланинг энг кичик ёшдагиси ҳам фақат кўриш эмас, балки эслаш, онгли равишда ҳаракат қилиш қобилиятига эга. Демак боланинг ҳар бир даврда ҳис қилиш, эслаш, фикрлаш каби қобилиятлари фақат берилган кетма-кетликда эмас, балки бу қобилиятлар ўсиш даврининг ҳар бир поғонасида мавжуд бўлади, яъни болага ҳамма ҳиссиёт, қобилият табиатан берилган бўлади, фақат унинг ифодаси турли ёшда турлича кечади.

16 ёшдаги боланинг онги 18 ёш бола онгидан фарқ қилмайди, фақат унинг қизиқишилари турлича бўлади.

Ақлий фаолият ривожланишини икки шаклга бўлиш мумкин: ўзлаштириш ва мустақил ҳаракат. Иккаласи ҳам болага туғилишданоқ берилган, аммо биринчиси ёшлиқда кўпроқ намоён бўлади, иккинчиси эса аста-секин бола ўсган сари кўрина боради. Бу одамнинг ички дунёсига ҳам тегишилдири. Умуман одамни икки қисмдан, яъни ички дунёси(рухи) ва танидан иборат деб қарасак – 12-14 ёшгача боланинг мустақил фаолияти жисмоний фаолиятида кўпроқ кўринади. Вақт ўтган сари ўзлаштириш сустлашиб боради. Шундай қилиб, одам фаолиятининг икки шакли мавжуд ва бирбиридан ажралмас ҳолда бўлади, фақат ёшга қараб қайсиdir бири кўпроқ, қайсиdir бири эса камроқ иштирок қиласди.

Юқорида айтиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда бу масалани қуидагича тасвирлаш мумкин:

1. Одамнинг мустақил ҳаракати ҳаётининг дастлабки йилларида(тахминан 14 ёшгача) жисмоний фаолиятда намоён бўлади. Бола эркин ўйнашни ҳоҳлайди, шундай бўлиши ҳам керак. Бу ёшдаги тарбия бу ҳаракатларни тананинг ҳар томонлама ривожланишига қаратиши лозим. Бунинг учун гимнастик машклар фойдаланиш мақсадга мувофиқ. 14 ёшдаям бу тарбияни тўхтатиш керак эмас, аммо бу ёшгача руҳий(ақлий) эркинлик ҳам ривожлана бориб, жисмоний эркинликни бошқара олиш, ривожлантира олиш қуролига айланган бўлиши керак.

2. Руҳий ўзлаштириш ўн ёшгача ҳис қилиш шаклида намоён бўлади ва болада ҳиссий билишни, қизиқиши пайдо қиласди. Бу ёшда бу интилишларидан фойдаланиб ҳиссий билишга доир машғулотлар олиб бориш лозим, бунда бола қизиқсан буюмни диққат билан ўргатиш, таништириш керак. Дастлабки туғилган таассуротларни сақлаб, асосли ўрганиш ҳақида қайғуриш керак. Албатта 9 ёшда бу ҳиссиётлар тугамайди, улар ҳар бир янги фан, янги соҳанинг асосларига қараб давом этиши мумкин. Шунинг учун бизнинг асосий қоидамиз «ҳар бир ҳақиқий билим ҳиссий билишдан келиб чиқади». Бу ёшда бола эркин фараз қиласди, унинг тасаввур қилиш қобилияти жуда кучли бўлади. Шунинг учун у эртак, саргузаштларга қизиқади, инс-жинслардан қўрқади- бу табиий. Тарбиячи бундан ранжимаслиги керак. Бу ёшдаги жисмоний–руҳий

эркинликдан техник кўниқмаларни ҳосил қилишда фойдаланиш лозим.

3. Агар бирор ёшгачав бола тўғри тарбияланган бўлса, ундан кейин ҳам унда эслаб қолиш, хотирада сақлаш кучли бўлади ва у астойдил ўқишига, ўрганишга интилади. Бу ҳолат тахминан 14 ёшгача давом этади. Ақл, онг ўрганаётган нарсани мустаҳкам ўзлаштиради. Бу давр энг фаол давр, бундан унумли фойдаланиш керак, энг муҳим фанларнинг асосларини айни шу ёшда ўргатиш зарур.

4. Айнан шу ёшда болада тушуниш, фикрлаш, хулоса чиқариш қобилияти уйғонади. Индивидуал хусусиятлар борган сари аниқроқ шаклланади. Болани келажақда ким бўлиши, қайси соҳада фаолият юритиши, уни нимага қизиқиши, интилишини билиш учун ўта сезгир бўлиш шарт эмас.

Бу қоидадан тўғри хулоса чиқариш керак. 6 ёшли боланинг ақли, онги умуман йўқ деган хулоса чиқариш мумкин эмас, уни ривожлантириш учун хеч нарса қилмаслик мумкин эмас. Айнан энг кичик ёшдан бошлаб атрофни ўрганишни бошлаш керак. Кичкина бола тўғри гапиришни ёки оддий арифметик мисол масалани онгли равишда ечишни билганидан яхши нарса борми! Аммо абстракт фикрлашга бола фақат 10-11 ёшда тайёр бўлади. Кейинчалик у хулоса чиқариши мумкин. Бунинг учун бола тинмай ўқиши, ўрганиши, чуқур ва мустаҳкам билимга эга бўлиши керак.

5. 14 ёшдан кейин ақл юксала бошлайди ва онг шаклланади. Бу жараён идеал пайдо бўлишдан бошланади. Бу ёшда идеал сари интилиш, ғоя учун яшаш ҳаракатини ривожлантириш, ушбу ҳиссиётларни сақлаш, авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш керак.

Йигитларни энг муҳим муқаддас ғоя учун тайёр бўлиши учун ҳал қилувчи йиллар бошланади. Шу ёшгача тўғри тарбияни асоси солинмаган бўлса, кейинчалик буни қилиш амри маҳол. Шунинг учун ота-она, тарбиячиларни бу ёшдаги фарзандларини тақдирини ўйлаб кўнгли шод ёки хавотирда бўлиши тушунарлидир. Соғлом дарахт баҳорда куртаклайди, нософ эса қурийди. Бола шу ёшда онгли равишда ўқииди. Аҳлоқий дунёқараш ишончга айланган, ишонч эса унинг ҳарактерини, иродасини ташкил этади. Ҳоҳш, ирода ва фикр юритиш бир. Фикр юритиш ҳаётга айланган. Одам қандай бўлса фикр юритиши ҳам шундай бўлади. Фикр юритишига қараб одамни қандайлигини билиш мумкин.

Ривожланиш тўғри йўналишда бораётганлигини билдирувчи белгилар қуидагилар: ҳиссиёт ривожи; жисмоний куч ҳамда зийраклик; тетиклик ва қабул қилишни кучлилиги; яхши хотира, олинган қимматли материалларга ҳамда билимларга таяниш, фикр юритишни ўсиши; ёзма ва оғзаки нутқни эркинлиги, мустақил тадқиқотга интилиши; ёрқин идеалларга ва фаол ҳаётий кўргазмали мисолларга қизиқиши; ҳиссиёт, фикр, ҳоҳш ва кўниқмаларнинг бирлиги.

Бу умумий кўрсатмалардан таълим ва тарбияга доир қандай хулосалар чиқариш мумкин? Кўп ва ҳеч қандай. Кўп дейиш мумкин, агар одам табиатидаги билимлар унинг ўз шахсий тажрибасидан, кузатишларидан иборат бўлса. Ҳеч қандай деб жавоб бериш мумкин, агар одам табиатидаги билимларни бегона, ташқи, тайёр билим деб билсак. Ўқитувчи ва тарбиячи бўлиб туғилиш керак, шунда табиий қобилият бўлади. Ўқувчи билан муомала қилганда ўқитувчи ёки тарбиячи қандай ҳаракат қилиш кераклигини унинг қалби айтади.. Умумлаштириш, хулоса чиқариш пайти келдими ёки бола ҳали бундай ақлий меҳнатга тайёр эмасми, уни чалғитиб юбориш мумкинми, буни ўқитувчи ёки тарбиячига унинг тажрибаси, билими, қолаверса қалби айтади. Бу жараёнда кечикиш заарлидир, аммо шошилиш бундан баттароқдир. Аммо, ўз гапини ўтказадиган ўқувчини табиий ривожланиши билан ҳисоблашмайдиган, унга ҳурмат билан қарамайдиган ўқитувчига ҳеч ким ҳеч нарса демаслиги яна ҳам заарлидир. Ғоявий бўш, иккаланувчи, ўзига ишонмайдиган, ҳаммани ва ҳамма нарсани танқид қиласидиган ўқитувчининг ҳам таъсири ёмон бўлади. Бундай ўқитувчи ўқувчилар олдида бошқаларнинг ғояларини қаттиқ танқид остига олишини қаҳрамонлик деб билади. Бундай ўқитувчи таъсирида ўқувчи иккиланади. Муқаддас ҳиссиётларга, идеалларга ишончи йўқолади, олийжаноб инсоний туйғуси ўлади.

### **3. Таълим беришни ўқувчининг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда бошла. Уни кетма-кет, узлуксиз, мунтазам ва асосли равишда олиб бор!**

Ўқувчининг ривожланиш даражаси-бошланғич ҳолатдир. Демак, уни таълимни бошлашдан олдин аниқлаб олиш керак. Ақлий ривожланиш босқичма босқич бўлганлиги учун, таълим ҳам шу қонунга қаратилиши керак. Бу эса узлуксизлик принципини талаб қиласиди. Шу масалада қўпинча хатога йўл қўйилиб, узлуксизликни ўқув предметидан, обьектдан қидирилган(масалан Песталоцци ўзининг «Оналар китоби»да ҳам шахсий субъектив принципларга хато ва зид нуқтаи назардан қараган). Шунинг учун мактабга, эркин ривожланиши ўрнига ақлни механик ҳаракатга айлантириш билан боғлиқ бўлган, яна кўпдан кўп майда чуйда машқлар киритилган. Узлуксизлик фақат субъектга, яъни шахсга, ўқувчига тааллуқлидир. Бир ўқувчига доир узлуксизлик иккинчисига нисбатан бошқача бўлиши мумкин. Битта болани оёғи кичкина бўлса, иккинчисиники жуда катта, бири майда қадам ташлайди, иккинчиси катта. Аммо табиат уларни тез юришига қараб имтиёз бермайди. Буни табиат дейдилар. Узлуксизлик принципини яхшироқ аниқлаб олиш учун қўйидаги мулоҳазани келтиамиз: қайси таълим ўқувчини поғонама поғона мустақил ва табиий ўзлаштиришига имкон берса ўша таълим узлуксиздир. Демак, биринчи ўринда субъектни инобатга олиш

көрек, бу Песталоццининг субъектив методига ҳам тўғри келади. Унга қарши объектив методни илгари қуйган эдилар: обьект бу метод дегандилар. Бу таълимотлар ҳозирча ёнма-ён туришлари мумкин, кейинчалик бу ҳолатга қайтамиз ва тегишли қўшимчалар қиласиз. Ҳозир эса биз субъектив метод тарафидамиз. Ўқувчининг ривожланиши ҳамма жойда биринчи даражали ҳисобланади. Объектив метод эса субъектив бўлгандагина ўринлидир. Бу баҳс гап талашишга ўхшайди. Балки, ҳақиқий субъектив методни (таълим усулини) топиш учун обьектни чуқурроқ ўрганиш керакдир. Ҳақиқий узлуксизлик принципига асосланганлик принципи яқин туради. Шунинг учун, шу ерда ушбу принципни ҳам кўриб ўтамиз. Асосланганлик принципининг тескариси юзакилик. Шунинг учун «асосли ( мустаҳкам ) ўргат» - шиорини ҳамма тан олади. Аммо бу шиорни ҳам нотўғри тушуниш мумкин. Мустаҳкам ўқит дегани, бирор фанни ўргатишда шу фанни охиригача, номаълум саволи қолмагунча ўргатиш дегани эмас. Бундай усул яхши таълимга гўр ковлади. Масалан, арифметикадаги қўшиш амалини ўргатганда қўшишнинг барча ҳоссаларини бирданига ўргатилмайди. Бу амални ўқувчи ҳар томонлама ўргангунича бошқа мавзуга ўтмайдиган ўқитувчи хато қиласи. Ўқувчи кейинги босқичда шу амални мустақил бажарадиган даражадагина ўргатиш керак. Аслида, ҳеч қайси фанни ўспирин болага охиригача ўргатиб бўлмайди. Ақлни пешлаш учун вақти вақти билан қийин мавзуларга яна ва яна қайтиб, уни такрорлаб туриш керак. Турли босқичларда турлича, борган сари қийинроқ масалалар билангина фанни чуқурроқ ўргатиш мумкин. Асосли ўқитишни, таълим беришни нотўғри тушунган кўп ўқитувчилар фанни майдалаштириб минглаб майда машқлар ва поғоналарга бўладилар.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар шунчалик аҳамиятлидирки, уларга яна бир неча қўшимча қилмасак бўлмайди.

Болани билим савиясини билмай туриб, уни ўқитиб бўлмайди. Чунки, нимадан бошлаш, нимани нима билан боғлаш номаълумку. Бу жараён китоб ёзиш билан баробар. Агар адид китобини қизиқарли чиқишини истаса, у китобхонларини маданияти, билим савиясини билиши керак. Бўлмаса унинг ўки мўлжалга тегмайди. Батафсил изоҳни ўрнига қисқача ахборот, қисқача гап ўрнига эса узундан-узоқ баёнот қиласи.

Аммо, ўқувчи ҳақидаги умумий, юзаки тасаввур етарли эмас. Ўқитувчи ўқувчи ҳақида тўла маълумотга эга бўлиши керак. Бунга қандай эришиш мумкин? Бунинг учун, ҳаётни билиш, ёшларни билиш керак, илмни ҳали эгалламаган, аммо ақл-фаросати жойида, кундалик ҳаётий тажрибага эга бўлган оддий бола ҳақида билимга эга бўлиш лозим. Ўқувчиларимизда озми-кўпми ҳаётий тажриба бўлади. Бу эса жуда муҳим. Шунга асосланган ҳолда таълим тарбияни олиб бориш керак. Ўқувчиларимизни тажрибаси бор, аммо

бу тажриба ҳали жуда оз. Боланинг ўзи шуни тушуниши, ўз сўзлари билан ифода қилиши, шунга иқрор бўлиши керак. Ўқувчига берадиган билимингиз унинг тажрибасини бойитишини, уни юқори чўққиларга кўтаришини, илмий тушунчаларга эга бўлишини ёки нотўғри тасаввурлар ўрнига тўғри таълим олишини тушуниши керак. Шунинг учун берилаётган билимларнин қайси жойида тўғри ёки хато тасаввур бўлишларини аниқ билиш зарур, нотўғри хулоса чиқаришдан болани сақлаш ўқитувчининг иши. Шу масалада ўтаа эҳтиёт бўлиш керак. Бундай ҳолда тўғри йўл тутиш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ, буни ўқитувчига ўргатиб бўлмайди, буни қоидаси йўқ. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчи учун ақл, заковат машъали бўлиши керак, нотўғри фикрга эга бўлган ўқувчини ҳақиқат йўлига йўналтириш керак.

Юқорида айтиб ўтилганларни баъзилар тушунмасликлари мумкин, баъзилар учун эса кўнглидаги гап бўлиши мумкин. Ҳар бир шогирд тайёрлайдиган устознинг ўзининг сири бўлган, шу сирни ўрганиш учун шогирдлар йиллаб ўқиган. Юқорида айтиб ўтганимиз айнан ўша сирлардан биридир. Айримлар бу сир эмас, оддий қоида, ҳамма вақт бўлган, ҳаммага маълум бўлган соддадан мураккабга қараб ўргатиш дейишлари мумкин. Аммо айнан ўша ҳамма билган қоида, умумий қонун бўлсада, аслида энг муҳим сирдир. Бу борлиқнинг биринчи қонуни. Бу қонунга табиатнинг ривожланиш жараёни, фикрлашнинг ривожланиш жараёни ва бошка психологик функциялар ҳам бўйсунади.

Юқорида айтилганларни тасдиқлаш учун физикадан мисоллар келтирамиз. Гап ҳаракатлантирувчи куч ва жисмлар ҳақида боради. Ўқувчилар қонунларни топишлари керак. Ўқитувчи сўрайди: ҳаракатдаги жисм йўлида бошқа жисмни учратса унинг таъсири қандай бўлади, жисм ҳаракати қандай ўзгаради.? Нима учун? Бу нимага боғлиқ? Ўқувчи ҳаётда буни кузатган, шунинг учун у ҳаракатдаги жисмнинг массасига деб жавоб беради. Демак ҳаракатдаги жисмнинг массаси қанча катта бўлса, шунча унинг таъсири кучлироқ бўлади. Бу оддий нарса, соғлом, ақли расо ўқувчи буни билади. Аммо болага фикрларини тўла, охиригача баён қилишига имкон бериш керак. Сўнгра, ўқувчини фикр юритишга ундаш учун ҳаракатланувчи жисм икки ёки уч баробар катта бўлсачи? деган саволлар билан мурожаат этиш мумкин. Шунда ўқувчининг эски тасаввурлари ўрнида янгилари ҳосил бўлади.

Сўнгра, тезликни таъсири ҳақидаги саволларни қўйиш мумкин. Тезлик қанча юқори бўлса, таъсир шунча кучли бўлишини ўқувчи кундалик кузатишларидан билади. Аммо таъсир тезликка пропорционал бўлишини энди ўрганади. Бу ҳақиқатни билишга яна ҳам аниқлик киритади, ўрганиш зарурлигини билдиради, буни билиш олдингисига қараганда яқол кўзга ташланмаслигини тушунади. Ўқувчи фақат янги қоидаларни, янги билимларни эгаллаб

қолмасдан, ўқитувчи нақадар ўзини, предмет ҳақидаги тасаввурларини яхши билишини тушунади. Ўқувчи шундай дақиқаларда ҳам фанда, ҳам ўқитувчисида янгилек очгандай бўлади. Кузатувчан ўқитувчи эса бундай дамларда ўзини баҳтиёр ҳис этади, чунки у ўқувчиси кўнглида нима кечётганини билиб туради.

Иккинчи мисол. Ернинг тортишиш кучи ва унинг таъсири, жисмлариниг оғирлиги ва таянч нуқтадаги босим ҳақида гап боради. Жисмларнинг оғирлиги ер тортиш кучи натижасида ҳосил бўлишини билган ўқувчи дарҳол қуидаги холосага келиши мумкин: оғирлиги қанча кўп бўлса, тортиш кучи шунча катта бўлади. Бу холоса нотўғри, аммо бу боланинг ақлий меҳнати натижаси, шунинг учун уни хатосини тушунтириб, мақтаб қўйиш керак. Кейин мавзуни жуда батафсил баён этиш керакки, ўқувчи нафақат ўқув материалини, балки бошқа хатоларини ҳам англаб етсин.

Бундай холатлар ўқувчига ўқув материали бериш билан бирга, ундан ҳам муҳимроқ нарсани билиб олишга имконият беради: яъни ақлий нуқтаи назар билан илмий шаклланган билимни фаркини, ўқишининг қадрини билиб олади. Бундай тажрибадан сўнг оддийгина кўрсатма, йўналиш бериш етарли бўлади. Шунда ўқувчини илмга меҳр қўйганига ишониш мумкин, бу эса олинган барча билим ва маълумотлардан ҳам қадрлироқдир. Бу ўқитувчи учун яна бир баҳтли дақиқадир. У ўқувчи кўнглига йўл топганини, қалбига чуқур кириб борганини ҳис этади, бу эса ўқувчида хиссиёт уйғотиш ва қўзғатиш учун қилинадиган ҳаракатлардан анча муҳимдир.

Фанни ўқитиш усули, албатта шу фаннинг табиатига ҳам боғлиқ. Турли фанларни бир усулда ўргатиш мумкин эмас. Аммо ёшларни ўқитишда бу объектив нуқтаи назар ҳал қилувчи эмас, балки субъективлик ҳал қилувчи бўлади. Шунинг учун у ёки бу фанни ўқувчининг билим савиясига ва одам табиатининг ривожланиш конунига уйғун асосда ўргатиш керак. Манга шу ҳолатга қараб усул танлаш даркор. Битта фан 10 ёки 14 ёшдаги болага турлича ўргатилади.

Масалан, тилни ўрганишни олайлик. Ўсмирлик ёшигача бўлган болаларни абстракт ўқитиш ярамайди. Уларга фақат конкрет билимларни қабул қиласди. Шунинг учун бу ёшгача бўлган болага от, сон, сифат ва ҳоказолар каби грамматик қоидаларни тушунтириш бефойда. Шунинг учун, бошланғич таълимда таърифлар ва хоссаларни илмий асосланганлиги талаб қилинмайди.

От деганда олдига аниқловчи қўйиш мумкин бўлган сўзни, феъл деганда мен, сен, у деган шахслар билан турлаш мумкин бўлган сўзни, эга деганда эса ким ёки нима саволига жавоб берадиган сўзларни тушуниш мумкин. Узундан-узун қоидани ёдлагандан кўра, ўқувчи шундай берилган таърифлар асосида, баъзан

филологлар ҳам қийналиши мумкин бўлган минглаб гапларни таҳлил килиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ўқувчининг ривожланиш даражаси бирор фанни ўқитиш усулини аниқлади. Предметлар билан танишиш, уларни ташқи белгилари орқали ажрата олиш ҳар билимнинг биринчи босқичидир. Жуда кичкина бола дарахтни уйдан, кемадан ажрата олиш билан бирга, ўт ёки бутадан ҳам ажратади. Ўқитишни бошлаш учун шунинг ўзи етарли. Дарахтни жуда кўп сирлари, хусусиятларини бола ҳали кўп йиллардан кейин билади. Тил ҳам ҳудди шундай. Кимки предметни ўрганишни унинг моҳияти, сирларидан бошламоқчи бўлса у адашади, ҳеч нарсага эришмайди, ёш мия шундай чалғийдики, ҳатто табиий ақлий билишни ҳам йўқотади. Нотўғри билим олиш, билимсизликдан ёмон. Билмайдиган ўқувчини ўргатишидан, нотўғри билимга эга бўлган ўқувчини ўргатиш қийинроқ. Ўқувчилар ривожининг субъектив даражаси ҳар доим ўлчов бўлади.

Иложи борича камроқ ўқит! Бу қоида ҳозир айтилганлар билан бевосита боғлиқ. Илгари ўқитувчилар иложи борича кўпроқ билим беришга ҳаракат қилишган, кўпроқ гапирган, кўплаб материалларни беришган. Уларнинг фикрича: боланинг келажақда ким бўлиши, қайси билимлар керак бўлиши ноаниқ, шунинг учун ўқувчининг билими қанча кўп бўлса, шунча яхши, билимнинг зиёни йўқ.

Шунга ўхшаш нотўғри, зарарли тушунчалар, ҳозир ҳам амалиётда кўплаб учраб туради. Кўпинча, ўқувчилар олдиндан кўпроқ билимга эга бўлиши керак деб исботлашга ҳаракат қилинади ва материални кенг, батафсил баён этадиларки, ўқувчининг ақли ҳали ўша ҳажмдаги билимни ўзлаштира олмайди. Бундай ҳолатларда ўқувчи бу материалдан фойдаланиш у ёқда турсин, ҳатто у зарур нарсаларни билишга, олдинга мувоффақиятли интилишга ҳалақит беради. Бундан ташқари ўқувчининг хотираси чалғийди, илғаб олиш хусусияти ва ўқишга бўлган қизиқиши, иштиёқи сўнади.

Ҳозир қўлланилмайдиган, олдинга юриш учун зарур бўлмаган нарсани ўргатиш керак эмас. Иложи борича камроқ ўқит! Фақат шу ҳолда ўқитувчи, ўқувчига энг зарур, энг муҳим материални бермоқчи бўлиб унга астойдил тайёрланади ва ўқувчининг хотирасида бир умрга сақланиб қоладиган бетакрор дарс ўтади. Ўқувчи эса нимадир билдим, ўзлаштириб олдим деб қувонади. Ўқишга борган сари қизиқиши ортади, тетиклашади, ишончи ортади. Асосли, узоқ муддатга асқотадиган билимга эга бўлади. Олға юришга яроқсиз бўлган, асосланмаган билимни ўқувчидан талаб қилиш нотўғри усул ҳисобланади.

Бу хатони кўпроқ ёш ўқитувчи қиласи. Ўзлари эндиғина ўзлаштириб олган билимларини бечора болаларни бошига селдай ёғдиради. Бу билим эса, кўпинча бефойда бўлиб қолади. Яхши

ўқитувчи йилдан йилга ўқув материалини қисқартириб, керакли минимумга етказиб оладилар. Мана булар ҳақиқий ўқитувчилар ҳисобланади.

#### **4. Ўқувчига ҳозир зарур бўлмаган ва кейичалик керак бўлмайдиган нарсани ўқитма!**

Бу икки қоида ўта муҳимдир. Уларни тан олмаслик, риоя қилмаслик ўқувчига таълим тарбиянинг ҳаётбахш таъсир кучини йўқотади.

Биринчи қоида бўйича: таълим ўқувчининг билим савиясига мос бўлиши керак, айнан ҳозирги билим савиясига, келажакда эришадиган савиясига эмас. Шунинг учун бу қоидани бошқача айтсак ҳам бўлади. Ҳеч нарсани муддатидан олдин ўргатма! Кўриб турибсизки, ҳозирча бу қоида сизга унча тушунарли эмас, ҳатто бу қоидани асл моҳиятини тушунмай, баъзи турмуш шароитлардан келиб чиқиб қарши эътиrozлар ҳам билдиришишингиз мумкин. Масалан, бола 10, 12, 14 ёшда мактабни тарқ этадиган бўлса, нима қилиш керак? Бунда ҳам шошилмаслик керакми? Кўпчилик ўқитувчиларнинг фикрича, шошилинч равишда ўқувчини миясини билимга тўлдириш керак, бу билим ҳозир керак бўлмаса, майли хотирасида сақланиб туради, кейинчалик бу билимлар керак бўлиб қолиши мумкин, ўшанда тушуниб олади ва фойдаланади. Шу фикрга кўра, бечора болага каттадан-катта матн, қоидалар, қонунларни мутлақо тушунмаган ҳолда ёдлатадилар. Бу билим болани на ақлига, на кўнглига ўтиради, чунки ақл ҳали у даражада ривожланмаган, кўнглида эса бундай чуқур билимга эҳтиёж уйғонмаган бўлади. Бу фақат диний таълимини ўқитилишига тегишли эмас, бошқа ҳар қандай таълимга ҳам тегишилидир ва бу болага катта зиён келтиради. Шундан келиб чиқиб, кўп болаларда бундай билимга, шу фанларга нафрат уйғонади. Кейинчалик бу таъсирни йўқотиш учун йиллар керак бўлади, ахир энг таъсирланадиган даврда пайдо бўлган ҳиссиёт ўлмайди. Фақат катта ёшдаги одам тушунадиган, унга тааллуқли нарса ёш болага тўғри келмайди. Шунинг учун муддатидан олдин ҳеч нарсани ўргатма! деган қоидага риоя қилиш керак. Агар шароит шуни талаб қилса, қўлингдан келганича бу номаъкул нарсадан воз кеч, оғирлик қиладиган таомни енгил ва маззали қилиб бер!

Иккинчи қоида биринчи қоидадан ҳам муҳимроқ. Айрим катта ёшдаги одамлар айрим воқеа, дарс ёки ўқитувчисини нафратсиз эслай олмайди. Улар жуда ақлли, олийжаноб, маданиятли, ўқимишли одамлар. Аммо уларнинг ҳаётида, ёшлигида қандайдир хотира борки, уларни эсламасликка ҳаракат қиладилар. Бир умр ўзини–ўзи мажбур қилса ҳам шу хотирани унута олмайдилар. Нима сабабга кўра? Балки ғайри табиий усувлар билан ўқитилган фан айбордир.

Айтадиларки, инсонни тарбиялашда бутун инсоният қандай тарбияланган бўлса, шундай кетма-кетлигидан фойдаланиш керак. Бу тўғрими? Ўйлаб кўринг. Ҳозирги мактаблардаги таълим кўпчиликка бачкана, ҳаддан ташқари содда, осон туюлади. Одамзот тараққиётидаги бу босқични ўтиб бўлинган деб ҳисоблайди. Демак энди кераги йўқ. Мисоллар керакми? Марҳамат. Диний ривоятларнинг кўпини бола эртак сифатида эслаб қолади. Улғайиб уни муносабати, фикри ўзгаради, болалиқдаги кўр-кўрони ишонганини устидан ўзи кулади, уялади. Одам хаёлида таълим берган ўқитувчини айбдор ҳисоблайди. Ўқитувчиси нотўғри таълим берган, демак ўқитувчининг ўзи ҳам нотўғри тасаввурга эга деб ўйлайди. Бундан «Етук инсон бўлиб етишганда керак бўлмайдиган нарсаларни болага ўргатма!» деган қоида келиб чиқади. Бундан келиб чиқадиган шиор «Ҳеч нарсани муддатидан кечиктирма!» яъни ҳамма фан, ҳамма қоидани ўз вақтида ўргат.

Биз фақат иккита қоидани кўратиб ўтдик. Ўзингиз улар тўғрисида ўйлаб кўрасиз деган умиддамиз. Ҳеч қайси одам мактаб, ўқитувчи ҳақида ёмон фикрда бўлмаслиги, ҳеч ким болалик ва ўсмирлик ёшларида олган билимидан афсусланмаслиги, афсус билан ҳеч ким боласини ўзидаи, азобга қўйгандай мактабга жўнатмаслиги керак. Мактаб, ўқитувчилар эса ўқувчиларнинг ота-оналари яна бола бўлиб, яна мактабда ўқиши орзу қилаётганидан фаҳрланиши керак. Айрим мактаблар бундан йироқдир. Бизнинг огохлантиришимизга қулоқ солинг, давр билан ҳамнафас бўлинг!

## 5. Кўргазмали ўқит!

Мен бу қоидани табиий уйғунлиқда ўқитишга мос келгани учун биринчи ўринга қўяман. Аммо буни ҳамма ҳам тушунавермайди. Энг янги таълимни асосий қонуни кўргазмалилик бўлиши керак. Эски баҳсни давом эттириб, бизни билим олишимиз негизида, ҳиссиётимизга таъсир этиш ётади демаймиз. Тўғри айрим олимлар ҳиссиёт орқали олган билимни мантиқий фикр юритиш орқали олган билим билан солишириб, иккинчисини устун қўядилар. Ҳар ҳолда ўсмир ёшларга таълим бериш кўргазмали бўлиш кераклигини инкор этиб бўлмайди.

Инсон онгининг ўсиши ташқи дунёни ҳис қилишдан бошланади. Сезги органлар орқали ҳис этганимиз онг орқали тушунчага айланади. Шунинг учун тушунча фақат кўргазмали бўлиши керак, акс ҳолда улар қуруқ, маъносиз бўлиб қолади.

Руссо ва Песталоццидан бошлаб(Локқдан кейин) биз ҳамда кўпчилик, кўргазмалилик бошланғич таълимда чегараланган бўлиши керак, ёки фақат элементар арифметика ва геометрияда бўлса етарли деган фикрда бўлдик. Бу усул бир томонлама эди. Ҳар бир аниқ ва тўғри билим сезги органларга таъсир этишдан бошланади. Сезги органларни ҳис этиши эса икки турда бўлади: ташқи ва ички.

Табиатдаги айрим предметларини, уларнинг хусусиятларини ташки сезиш органларимиз қабул қиласи. Иккинчи ҳолда эса онг, ички түйғу билан сезамиз. Бу тасаввурлар ички ва ташки дейилади. Бу тасаввурлар ҳар бир таълимнинг, билимнинг асосидир. У барча фанларга, масалан тилга, диний илмга, арифметика, геометрия ва хоказоларга таълуқlidir. Кейинчалик онгда абстракт йўл билан айрим хоссаларига кўра ёки умумлаштириш орқали юқори даражадаги, умумий тушунчалар ва тасаввурлар ҳосил бўлади. Шунинг учун кўргазмалилик принципи сезги органларга таъсир этгандан сўнг тушунчаларга ўтишни талаб қиласи.

Хусусийдан умумийликка, конкретлиқдан абстрактга қараб юриш керак, тескарисига эмас! Бу принцип барча таълим ва тарбияни асоси бўлмоғи керак. Фақат бу принципни қўллаш билан мазмунсиз, ақлни сусайтирадиган, ўйинга айлантирилган таълимни, тушунмасдан, фойдасиз қоидаларни ёдлаш, ақлни, онгни табиий ривожланишини сунъий чегаралайдиган таълимни сиқиб чиқариш мумкин. Маълумки, мактаб шароитида доимо ҳамма тушунчаларни кўргазмали қилиб бўлмайди. Аммо иложи борича бунга ҳаракат қилиш керак. Имконият бўлмаса расм, ўхшатиш, солиштириш ва бошқа воситалардан фойдаланиш керак. Бундай таълим олган ўқувчилар муваффақиятга эришадилар, бундай усулни қўлламаган жойларда таълим бекор ўтган умрга айланади. Агар география фани ўлкашуносликсиз, харитасиз, расмсиз, тарих фани аниқ ҳаётини образларсиз, диний илм фақат айрим матнларни ёдлашдан иборат бўлса, бундай таълим фақат мактаб учун керак бўлади, ўқувчини ҳаётга тайёрлаш учун эмас. Бундай мактаб болага мазмунсиз, кераксиз билим беради, бола эса бу билимни бир умр келажак авлодга топширади. Агар ҳаёт бу хатони тузатмаса одам бир умр бу хатони қули бўлиб ўтади. Шунинг учун ўқитувчи ўз фани ҳақида тўғри кўрсатмали тушунчага эга бўлиши ва шундайлигича ўқувчига ўргатиши керак. Ўқитувчи ҳизматининг моҳияти айнан шунда.

Агар биз ҳозирги турмуш тарзга ва адабиётга назар солсак ҳиссиёт туйғуларини муҳимлигига, бевосита кузатишни зарурлигига, муҳимлигига амин бўламиз. Бу албатта катта муваффақиятга, ажойиб натижаларга олиб келади. Кўргазмасиз қуруқ натижаларни қайд этиш ҳеч кимни қониқтирмайди. Ҳамма жойда, масалан, жамоат ҳаётида, фан, таълим, ҳаётни ифодаловчи саҳнадаям аниқ ҳодиса, ҳақиқат, борлиқ талаб қилинади. Қуруқ сафсата, умумий қоида, мавхум низомлар ҳеч қаерда, ҳеч кимни қониқтирмайди. Ҳар ким ўз кўзи билан кўришни, бевосита ўрганишни, ҳис қилишни истайди, ҳамма ҳам мавхум назарияни эмас, аниқликни ҳоҳлайди. Ҳамма жойда бевосита ҳис қилиш, бевосита кўргазмалиликни талаб қилинади. Бу ибора борган сари оммалашиб бормоқда. Уни фоал ишбилармон кишилардангина эмас, балки философ, амалиёт ва назария вакилларидан ҳам тез-тез эшлиши мумкин. Шунинг учун

таълим ҳаётий тараққиёт билан изма-из юриши, кўргазмалилик принципига доимо риоя қилиши керак. Биз ҳали бунга етишганимизча йўқ, аммо шу мақсад сари интиляпмиз. Кимки шунга эришмоқчи бўлса, қоида ва принципдан эмас, факт, мисолдан бошлиши керак. Қоида-бу мисоллар ва принципларни абстрактлашган шакли, фактлар устида фикр юритишдан иборатдир. Мисолларсиз қоидани, фактларсиз принципни тушуниб бўлмайди. Буюк файласуф ва мутафаккир Кант «Кўргазмасиз тушунчалар қуруқ гапдир» деган эди.

Кўргазмалилик ҳақида жуда кўп гапириляпти дейишади. Шунга қарамай биз, ҳар бир таълим кўргазмали ва фақат кўргазмали бўлиши керак деймиз! Ҳали тўхташга вақт бор. Бу ҳайқириқ бекорга эмас, чунки, ҳали ҳам минглаб ўқитувчилар эски мактабни абстракт усуллари билан, тушунчаларни қуруқ ифодалаб бериш билан чегараланган. Улар боланинг онгида тушунчалар қандай шаклланишини билишни истасалар эди, уларни ўзгаришлари мумкин деб умид қиласар эдик.

Ҳар бир билимнинг асосини сезги, ҳис ёки Вейс айтганидек «руҳ, туйғу» ташкил этади. Одам ўз ҳиссиётларида ҳали субъетни обьектдан ажратмайди. Уларни бир бутун деб тушунади. Билим предметдан ҳали ажралмаган бўлади. Бунга эришиш учун ўқувчининг диққатини ошириш керак, унинг онги предметга қаратилган бўлиши керак, у предметни кўриши, унинг хоссаларини англаши, унинг ўз онгидан ташқарида жойлашганини англаши керак. Предмет унинг сезгисига таъсир этиб, ҳис-туйғу уйғотади, диққатини жалб этади ва ўқувчи шу предметни танийди, қабул қиласади.

Олдин ўқувчи предмет ҳақида тасаввурга эга бўлади, кейин уни қабул қиласади, ҳиссиётдан ажратади ва тушунчага эга бўлади ҳамда сақлаб қолади, шунинг учун предмет йўқлигига ҳам уни тасаввур қиласади. Шундай қилиб, бу предмет ҳақида тасаввурига эга бўлиб қолади. Ундан керакли пайтда фикр юритиш учун фойдаланиши мумкин бўлади. Ўқувчининг тасаввури предмет билан боғлиқ эмас, энди у ўзи янги тушунчалар ҳосил эта олади, уларга ном қўя олади. Бу ном ҳосил бўлган тасаввурлар мазмунини, тушунчаларни ривожланишидан ҳосил бўладиган тасаввурларни ифодалаш учун хизмат қиласади. Энди бу оддий овоз эмас, балки тасаввурларнинг тўла мазмунидир. Предмет фақат сезги уйғотаётган бўлса, ҳали унга эркин ёндашиб бўлмайди.

Шунинг учун Кант юқорида айтилган ҳолатларгав қуйидагича қўшимча қиласади: «Кўргазмали тасаввур тушунчасиз кўрдир». Бу ерда бизнинг «Тушунча кўргазмали тасаввурсиз қуруқ ва мазмунсиздир» шаклидаги хулосамиз ўз кучини сақлаб қолади.

Янги мактабнинг асосий принципи қуйидагича: “Мустақил фаолият ҳиссий билишга асосланган ва унинг натижасидир яъни:

- 1) мустақил фаолият руҳий фаолият шаклидир;

- 2) бевосита, ҳиссий, жонли билишдир;
- 3) ҳиссий билиш асосида мустақил фикрлашдир ва аксинча кенгроқ қарасак, барча ўй-фикрлар асосида күргазмали тасаввурлар ҳосил қилишдир.

Эски мактаб объектив усулга әмас, балки абстракат (мавхұм) усулга асосланған. Янги мактаб эса субъективлик тарафдори, үқитишида күргазмалилық ёки аниқ объектив усулга интилади, объектив ва субъектив усулларни ўзаро бирлаштиришга ҳаракат қиласы. Ҳозирги замон дидактикасига амал қиладиган үқитувчи яна бир бор ўйлаб күрсін. Қуида баён қилинадиганларни барчаси шу принципни ифодалайды.

## **6. Яқындан узоққа, соддадан мураккабға, осондан қийинға, маълумдан номаълумға ўт!**

Бу ерда бир әмас түрт дидактик қоида борки, улар бир-бирига жуда яқын бўлганлиги сабабли уларни тўғри тушуниш учун биргалиқда кўриб чиқиш керак. Шунинг учун биз уларни битта талабга умумлаштиридик. Тўртала қоида күргазмали ва табиий уйғунлик принципидан келиб чиқади. Кимки күргазмали ва табиий уйғунликда үқитмоқчи бўлса тўрт қоидага риоя килмоғи керак.

**Яқындан узоққа!**

Бола табиий ривожланишда бешикдан хонага, уйни танишга, кўчаси, маҳалласи, теварак атрофни билишга ўтади, нихоят унга бепоён дунё ҳам торлик қиласы. Аммо таълим доимо шу қоидага амал қилмаслиги керак. Айрим ҳолда биздан жуда йироқда турган нарсалар, қалбимизга яқын бўлади. «Яқындан йироққа» принципи ўқувчидан қуёш системасини ўрганишдан аввал Европани ўрганишни, ёки диний ривоятлардан олдин 18 аср тарихини ўрганишни талаб қилмайди, чунки айрим ҳолларда узоқ масофа ёки олис даврлар кўнгилга яқын бўлади. Шунинг учун бу принципни тўғри тушуниш учун уни бошқа принциплар билан биргалиқда қўллаш керак, шунда у тўғри фикрни англатади. Аммо унинг юксак моҳияти хали ҳам ўз баҳосини топмаган. Аниқлик, күргазмалилық доим яқын, мавхұмлик, абстрактлик йироқ бўлади. Демак, биз күргазмалилық йўлини танласак, яқындан йироққа ўтишимиз керак.

**Соддадан мураккабға!**

Бу қоида тўғри қўлланиши учун уни бошқа қоидалардан ажратмаслик керак. Уни айниқса қуийдаги қоида билан қўллаш керак.

**Осондан қийинроққа!**

Содда нарса одатда осон, мураккаб эса қийинроқ бўлади. Ҳар ҳолда бу биринчи навбатда кўз билан кўрадиган нарсаларга тааллуқлидир. Турлича, ранг-баранг қисмлардан иборат бўлган буюм ёки жонзотдан кўра, содда ўсимлик ёки ҳайвонни қисмлари ва тузилишини ўрганиш осон.

Содда математик амаллар ва фигуralар, мураккаб ва чалкашидан кўра осонроқ ўзлаштирилади. Кўпинча, айнан осони қийин бўлади. Айрим ҳолларда энг қийини жуда содда бўлади. Содда, оддий ҳайвонларни ўрганиш муракабларини ўрганишга нисбатан қийин, ҳайвонларнинг организми жуда мураккаб бўлганига қарамай зоологиядан минералогия қийинроқ,. Шунинг учун, ривожланаётган онг айрим предметлар жуда кўп, турлича хоссаларга эга бўлишига қарамасдан, бу хоссаларни ҳаммасини баробар қамрай олмасада бу предметларни алоҳида қабул қиласди. Кейинчалик улар содда тасаввурга айланади, кейин умумийроқ ва юқорироқ тасаввур ҳосил бўлади ва ҳоказо давом этиб энг умумий ва содда тушунчалар шаклига етиб боради. Бу ерда мураккаб тушунча умумий, содда тушунчаларга нисбатан болалар онгига мос бўлади. Шунинг учун биринчи жараён иккинчидан олдинда бўлиши керак.

Агар биз бу ривожланиш жараёнига яқиндан эътибор қилсак, қуидагиларни аниқлаймиз. Инсоннинг энди ривожланиб келаётган онги сезиш органлари орқали предметларни энг оддий хусусиятларини масалан, гулнинг рангини ёки қўёш нурини хис қиласди, аста-секин у гулни бошқа хоссаларини ўрганади. Кейинчалик бу хоссаларни умумлаштиради, бир гулни бошқа гулларга солиштириб, айнан шу гул ҳақида тушунча пайдо қиласди. Гулни бошқа предметлар билан солиштириш натижасида гул, ўсимлик ёки буюмлар ҳақида тушунчалар пайдо бўлади. Шу зайлда мияда битта оддий тушунча ҳосил бўлади. Энди бу тушунча фақат битта хоссага эга бўлади, демак уни умумлаштириб ҳам, қисмларга бўлиб ҳам бўлмайди. Шундай қилиб, тасаввур ҳосил бўлиш жараёни тугайди. Бу жараён жуда содда тасаввурдан бошланган эди. Сўнгра тасаввурлар кетма-кетлиги, тасаввурлар қатори ҳосил бўлиб, бу қаторнинг охири ҳам энг содда тасаввур билан тугайди, яъни тасаввурлар кетма-кетлиги энг оддий, содда тасаввурдан бошланиб, энг мукаммал содда тасаввур билан тугайди. Ўртадаги мураккаб тасаввурлар қолиб кетади. Бошидаги содда тасаввур сезиш, сезги маҳсулидир, охиридаги содда тасаввур абстракт, бу муҳим тушунча фикрлаш маҳсулидир. Биринчисининг ёнида мураккаб сезиш, иккинчисининг ёнида мураккаб тафаккур бўлиб, бу жараён мунтазам такрорланади ва биридан иккинчисига айланиб туради. Бу жараён инсоннинг табиий ривожланишида пайдо бўлади. Фанда акси бўлиши мумкин, яъни умумийликдан хусусий, аниқ хулосалар келиб чиқиши мумкин. Шундай қилиб, табиий жараённи илмий ифодалаб бериш бир-бирига тескари бўлади.

Шунинг учун соддадан мураккабга принципини тўғри тушуниш керак. Ўсимликни айрим қисмларини ўрганишдан олдин уни бутунича ўрганиш керак. Шунинг учун бошлангич нуқта ҳар доим ҳам энг содда, энг аниқ, алоҳида олинадиган нарса шаклида

бўлавермайди. Аммо доим бу нуқтада мавхум бўлмаган, аниқ, индивидуал нарса туриши керак. Бу фарқни доим эсда тутиш керак. Аммо доим шундай бўлавермайди. Алоҳида олинган бир ҳайвон зоти ҳақидаги тасаввурдан, тушунчадан умуман ҳайвон ҳақидаги тушунча осонроқ, аммо бу тушунча алоҳида аниқ ҳайвонларни кузатиш натижасида пайдо бўлади. Содда гапнинг бош бўлакларини ўрганиш турли шаклдаги гаплар ва мураккаб гапларни алоҳида олинган қисмларини ўрганишдан бошланади. Бунда аниқ мисолларни келтиришдан бошлаш керак.

«Осондан қийинга қараб» деган қоиданинг тўғрилиги исбот талаб қилмайди. Одамнинг кучи борган сари ортиб, ривожланиб боради. Бу билан, кейинги дарсда олдинги дарсдаги каби осон масалалар учрамайди, ечилмайди демоқчи эмасмиз. Аксинча, ҳар доим бундай қилиб бўлмайди. Шундай қилиш ҳам керак эмас. Тартибли таълим олиш олдиндан режалаштирилиб қилинган саёҳатга ўхшайди. Бундай саёҳат дарҳол Альп ёки Пиренейни забт этишдан бошланмайди. Аммо баланд чўққини мўлжалга олган одам учун, ҳар бир кичкина тоғчага ҳам чиқишига тўғри келади. Турли жойлар яъни, текисликлар, баландликлар, баландга чиқиш, пастга тушиш, қийин ва осон йўлларнинг ҳаммаси кишини мустаҳкамлайди ва чиниқтиради. Таълимда ҳам шундай. Таълимдаги бир хиллик ҳам чарчатади, зерикарли бўлади, ҳамма ҳам турли-туманликни ёқтиради. Французларнинг мақолига кўра «Зерикарли усулдан бошқа ҳамма усул яхшидир»

### **Маълумдан номаълумга қараб!**

Бу қоида тўртанинг ичида энг асосийси бўлиб, улардан устун туради, хукмронлик қилади яъни улар ўзаро солиштирилганда у бошқаларидан юқори туради, бошқалари унга буйсунади. Айниқса, бу биринчи ва иккинчи қоидаларга тегишлидир, учинчи билан эса яқин, чунки маълум нарса осон, номаълуми эса қийин. Демак, узоқдаги мураккаб нарса ҳам билса осон туйилади, яқиндаги оддий нарса эса билмаса қийин туюлади. Шунинг учун ўрганишни узоқ ва мураккабдан бошлаш керак.

Номаълумдан бошлаш ҳам мумкинга ўхшайди. Кўп маротаба бундай йўл тутганлар бор, аммо бу бефойда. Буни қабул қилиб ҳам, қўллаб ҳам бўлмайди. Фақат билганимизни билмаган билан, янги, нотаниш нарсани таниш нарса билан, эски билганимизга боғлабгина янги номаълумни ўрганиб борамиз. Маълум нарсалар ёруғлик каби, номаълумлар эса қоронғулик билан тенгdir. Ўрганишни номаълумдан бошлаш, қоронғудан туриб, ёруғликни кўрсатмоқдир. Бунинг хатолиги аниқ. Шунинг учун чет тилни ўрганиш учун она тилидан фойдаланилади. Ёки гўдак каби, бегона халқ орасида яшаб, она тилини унутиб, ҳаммасини бошқатдан ўрганиш керак. Тушунмайдиган чет тилида она тилини тушунтиб бўлмайди, бу қоронғиликни янада қоронғи қиласи.

Номаълум нарсани ўрганишда маълум нарсадан бошлашдан бошқа иложи йўқ. Нотаниш ўсимликлар, ҳайвонлар, одамлар, тиллар, тушунчалар- ҳаммаси таниш нарсалар билан солиштириш йўли билан ўрганилади. Бевосита кўргазмалилик ортида турган номаълум нарсалар, кўргазмалилик орқали солиштириш йўли билан аниқ бўлади. Бунга энг ишонарли мисол тилдир. У кўзга кўринмас, аммо абадий тушунчаларни сўз билан ифода этиши мумкин. Масалан, хукмронлик, билимдонлик, доимиийлик ва хоказоларни кўриб бўлмайди, аммо улар сўз орқали ифода қилинади.

Баъзан, илгаридан бизга таниш бўлган тасаввурлар айrim олинган биргина нарса воситасида инкор этилмасдан, улар биз учун умрбод коронғу бўлиб қолаверади: масалан абадийлик, осмон, дўзах ва ҳоказо. Бизга таниш бўлган, сезгимизга таъсир қилмаган ҳар бир нарса биз учун ноаниқ бўлиб қолади. Шунинг учун албатта кўргазмалилик керак, кўргазмалилик мумкин бўлмаган жойда белги, ўхшатишлардан фойдаланган холда номаълум нарса ҳақида кўргазмали тасаввур ҳосил қилиш керак. Дидактиканинг «нотанишдан танишга» принципи жуда кенг ва муҳимдир. Фан ёки бирор тизим энг узоқ умумий мавҳум номаълумдан бошланиши мумкин, аммо оддий таълимда ва шу каби ривожлантируви таълимда ҳам ҳеч қачон бундай бўлиши мумкин эмас. Ўқувчи умумий қоидани айrim қоида билан солиштира олмайдиган, номаълумни маълум нарса билан боғлай олмайдиган ҳар қандай илмий ўқитиш тўғри натижага олиб келмайди.

Бу ўта абстракт билимлар билан шуғулланиб, уларни аниқ амалий ҳолатлар билан боғлай олмайдиган илмий изланишлар билан шуғулланувчи кўплаб одамлар гуруҳига таълуқлидир. Бирорта фан мавҳумдан аниқликка ўтиш йўли билан бунёд этилмаган. Шунинг учун фанни табиий ривожланишига асосланиб ўрганиш керак.

«Маълумдан номаълумга» қоидаси барча таълимга тегишли бўлиб, таълимни табиатга уйғунлигини баҳолаш ўлчови сифатида қўлланиши мумкин.

Олдинги параграфдаги кўрсатмаларни муҳимлигини назарда тутиб уни мустақил принципга ажратдик.

## **7. Таълимни илмий эмас содда усулда олиб бор!**

Университетлардаги таълим умумий тушунчалар, аксиомалар, схема, принциплардан бошланадики, уларга ҳусусий, айrim олинган барча нарса буйсунади.

Фаннинг мазмуни шу тарзда тушунтирилади. Бу ерда тизимли кетма-кетлик, умумийлик, дедукция, прогрессив ҳаракат ёки синтетик усул ўрин олган.

Фан шу кўринишда туғилмаган, у тайёр мустақил объект эмас, чунки одам онги олдин аниқ нарсани ўрганади, ундан ўзи

умумлаштиради. Мана шундай аниқ, махсус, индивидуалликдан бошланиб, мавхумга ўтиш ривожланишнинг табиий йўлидир. Шунинг учун ҳар бир таълим шу йўлдан бориши керак. Бундай таълимни биз элементар содда деймиз, чунки у ўқувчининг имкониятлари асосида уни ривожлантиради. Бу ердаги усуlnи эса элементар деймиз. Демак илмий усул соддага қарама-қаршидир. Бирининг бош нуқтаси иккинчисининг якуни бўлади ва аксинча. Бу усулларда ишлаётган ўқитувчилар учун қайси усул танлашунчалик қийин эмас. Илмий усуlda ишлаган ўқитувчи фақат баён этади, тушунтиради. Агарда шу жараёнда бирор савол келиб чиқса, унинг жавобига аҳамият берилмайди, ҳеч қандай фойдасиз, олдиндан режлаштирилган йўналишда баён давом этади. Ўқувчи пассив кузатувчи ролини бажаради. У тайёр билимни олади, эшитади, кўчиради, ёдлайди. Ўқитувчи фанни ёки ўзининг шу фанга бўлган фикрини баён этади.

Илмий таълим беришда ҳам элементар усуlda ишловчи ўқитувчи эса, аксинча ўқувчининг билим савиясидан келиб чиқади, саволлар ёрдамида унинг мустақил фикрлашга ундайди, янги билим, фикр томонга йўналтиради, ўқувчини узлуксиз ҳаракатга келтириб туради..

Элементар усул ўқувчини, мактабда эса бутун синфи ҳаракат марказига айлантиради. Ўқитувчи эса бошқариш воситаси бўлади. У фаолият қуролига айланади. Бу йўл билан ниҳоят умумий ҳолатга, аксиома, принципларга етиб борилади. Булар эса эришилган натижани ташкил қиласди.

Бу элементар, табиатга уйғун, таълимий йўлдир. Бу йўлни фақат бошланғич таълимгина эмас, балки барча мактаб ва гимназиялар ҳам қўлласа бўлар эди. Билимни ўқувчига тайёр бермасдан, унга мустақил эришишга, ўзи изланиб топишига ёрдам бериш керак. Ўқитишни бу усули энг яхши, аммо энг қийин ва ноёбдир. Қийинлиги кам ишлатилишида. Ёдлаш, ўқиш, диктант билан солиштирсан, булар бу таълим олдида ўйинчоқдир. Аммо бу усуллар бефойда. Улардан кенг фойдаланиш ачинарли ҳам. Ўрта ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларидан ҳам худди бошланғич мактаб ўқитувчиларидан талаб қилинганидек элементар усуlda таълим беришни талаб қилиш керак. Бу усул фақат бошланғич таълим учун деган фикр бир томонламадир. Бу усул ҳамма жойда ўринли ва фойдали. Шунинг учун, университет профессори бу усуlnи қўллашни билмаса ёки истамаса, у ҳеч бўлмаса фанини элементар ҳолда баён этиб, эшитувчиларнинг фикр юритишини ривожлантиришни билиши керак. Фақат шундагина талабалар фикр юритишини ўрганадилар. Мактабларда тушуниб, тушунмай ўқитувчининг орқасидан такрорлаб, ёдлаб билим олиш аста секин йўқолиб бораётгандай, аудиторияларда ҳам билимни умумий қоидаларини бериш билан чегараланган дарслар тезрақ йўқолиши лозим. Ўқувчиларга тайёр билим эмас, ушбу билимни чиқариш йўли,

усули керак. Ҳақиқий ўқитувчи болага минглаб одамларни йиллаб меҳнатлари натижасидаги билимни эмас, унга қандай эришишни, масалан тайёр бино эмас, балки шу бинога ғишт қўйишни ўргатиши керак, биргалашиб бино қуриши керак.

Илмий деб аталган усул- дедуктив, синтетик, прогрессив, диалектик кўп ҳолларда догма (қотиб қолган) усул ҳисобланади. Элементар усул-индуктив, таҳлилий, регрессив, эвристик(топиш, изланиш) усул ҳисобланади. Ёмон ўқитувчи ҳақиқий бор нарсани баён этади. Яхши ўқитувчи эса шу бор ҳақиқатни топишни ўргатади. Биринчисида ҳаракат юқоридан пастга, иккинчисида пастдан юқорига бўлади, ёки ўқувчилар энг юқори чўққидан асосга қараб йўл босадилар, акс ҳолда эса асосдан чўққига қараб юрадилар.

Догма усул аслзодаларча табиатга эга, Песталоццининг ривожлантирувчи усули эса ҳалқчил усулдир. Биринчиси қиролларга тўғри келса, иккинчиси конституцион давлатлар фуқаролари учун. Бундан кейин, фикр юритиши ва фаолият тарзи бир-бирига мос бўлган ўқитувчининг қайси усулни танлаб олишига ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Афсуски, ҳали ҳам кўп ўқитувчилар тилида ҳалқчил ғояларга қўшилса ҳам, таълимни эскича аристократик усулда олиб боради. Бундай ўқитувчилар тилида ҳалқ ҳаракатига қўшилган бўлади, амалий ҳаракатида ундан кечадилар. Булар бефойда ҳаракатдир! Элементар ҳалқ усулида таълим бераётган ўқитувчини ҳалқ тўғрисида гапиришини кераги йўқ, чунки у ўз фаолияти билан буни тасдиқлайди.

Бундан келиб чиқадики, эскича ўқитувчи ривожлантирувчи таълимдан нафраланади, уни тан олмайди, чунки ривожлантирувчи таълим эркин фикр юритувчи одамни тарбиялайди. Энди нима яхши-ю нима ёмон деб ҳеч ким иккиланмай қўйди. Шунингдек ўсаётган авлодга тайёр билимни юқоридан пастга қараб бериш керакми ёки уни эркин, пастдан тепага қараб ривожлангани маъқулми? деб иккиланишга ҳожат қолмади.

Қўшимча. Агар борлиқни тўғри тушунсак, таълимни икки турдаги усули (баён ва сўроқли) билан чегараланмаслик керак.

Ўқувчилар фақат жим эшитиб ўтирадиган лекциями, ўқувчилар ўқитувчининг саволига жавоб берадиган дарсми- барибир булар факат ташки кўриниш холос, таълимнинг моҳияти, мазмуни эмас. Энг муҳими унинг ички мазмунидир, шу фан ёки дарсга ўқитувчини бўлган муносабати, фикридир. Ўқитувчи шу мавзуни, фанни охиригача ўрганиб бўлинган деб ҳисоблайдими, шу фикр билан уни баён этяптими ёки ҳали ўрганса бўладиган мавзу, фандек уни тавсия этяптими. Биринчи ҳолда ўқитувчи баён этади, эшитувчилар ёзиб олиб ёдлайдилар. Улар ушбу баённи рецепт сифатида қабул қиласидилар, жуда бўлса ўқитувчининг фикрини кузатиб борадилар.

Иккинчи ҳолда ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида фикр юритадилар, хулоса чиқарадилар. Биринчисида барча саволларга жавоблар

олдиндан берилади. Бундай дарс ошқозони ҳазм қилмай қолган одамларни зиёфатга айтган билан баробардир. Иккинчи ҳолда эса ўқувчи саволларга жавобни ўзи излайди ва топади. Эски ва янги таълимни фарқи шунда.

Бу иккала усулни ҳам ўрганиб, таҳлил қилиб уларни иккаласини ҳам мукаммал деб бўлмайди. Аммо ички ва ташқи ўқитиш усулларини солиштириб улардаги 4 та шаклни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Маълумот берувчи (рецепт берувчи), ўқитишнинг догматик усули:

- а) баён қилувчи;
- б) саволлик(саволли-баёнли, ёлғон–саволли);

2. Ривожлантирувчи (ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш, мустақил ҳаракат қилдириш):

- а) баён этувчи; б) саволлик.

Ривожлантирувчи баён этиш усулида Шлейермахер мукаммалликка эришган, ривожлантирувчи саволли усул сифатида эса Суқрат қўллаган усулни кўрсатиш мумкин. Шунинг учун бу усулни Суқрат усули дейилади.

**8. Доим бирор расмий мақсадга ёки бир вақтда ҳам расмий ҳам моддий мақсад сари интил; бирор фан орқали, иложи бўлса ҳар томонлама ўқувчининг онгига таъсир қил, уни уйғот; билимни уқувга айлантир ва ўқувчини доим машғул бўлишга мажбур қил, токи у ихтиёрий машғулотга айлансин!**

Бу принциплар бир-бирига жуда яқин, ўзаро боғлиқ. Шунинг учун уларни қўшиб ўрганамиз. Уларни тўғрилигини исботлаш учун қисқача тушунтириш етарли. Таълимда икки тенденцияни кўрсатиш мумкин: биринчиси фанлар бўйича билим бериш, кўникум ҳосил қилиш бўлса, иккинчиси таълим орқали бор билимни ривожлантириш, болага куч-кувват бериш. Буларнинг бирида моддий мақсад, иккинчисида формал мақсад назарда тутилади. Кўпинча икки мақсадни бирлаштиришга ҳаракат қилинади, чунки улар бир-бирига қарама-қарши эмас. Аксинча, бирор предметни ўргатиш усули ўқувчининг фикр юритиш қобилиятини қанчалик уйғотса, у предметни шунчалик ғайрат билан ўрганади. Аммо барибир биттаси муҳимроқ, юқорироқ бўлиб қолади, ана ўшениси ҳукмрон бўлиши керак. Ўсмирларга таълим беришда кўпроқ иккинчи мақсад ҳукмрон бўлади. Бошланғич синфда ўқувчи катта ҳажмдаги билимга ҳали муҳтож эмас. Аммо шуғулланганлик, имкон қадар фикр юритиш қобилиятини ва нутқни ривожлантириш, дикқат эътиборда эркинлик, онглилик ёрдамида янги предметни ўзлаштириш ва тадқиқ қилиш, олган билимини яхшилик йўлида фойда келтиришга сарфлаш, келажак ҳаётда катта фойда беради.

Аммо, бу моддий мақсад ортга қўйилганлигини билдирамайди. Ҳамма вақт ҳам битта моддий мақсадни ҳисобга олиш ярамайди. Ўқувчи қанча ёш бўлса, унга куч-қувват бериш учун шунча кўп ҳаракат қилиш керак. Ўқувчи қанча катта бўлса, унга борган сари ўзига лойиқ қийинроқ топшириқлар бериш керак, чунки у анча кучга тўлган, қўйилган масалани ҳал қилишига ишонса бўлади. Агар ёш болага қийин топшириқлар берилса, у бола ҳали бундай нарсани қабул қила олмайди. Шунинг учун барча бошланғич мактабларда формал мақсад қўйилади, юқори типдаги ўқув юртларида моддий мақсад қўйилади, чунки ундаги ўқувчилар элементар таълим поғонасадан ўтиб, куч-қувватга эга бўладилар. Ривожлантирувчи мақсадни ҳеч қачон унутмаслик керак. Ҳар қайси ўқув предмети университетда ҳам предмет сифатида ўрганилиши керак, фақат Академияда (илмий-тадқиқот институтларида) предметни номаълум сирларни очишга интилиш керак.

Ақлий таълим жараёнини узун бир масофа деб қарасак, унинг бошида бошланғич синф ўқитувчиси турса, охирида академик туради. Аммо таълимнинг барча босқичида фаолиятга ундейдиган, ривожлантирувчи, тарбияловчи таълим талаб қилинади. Тарбияловчи таълим деганимизда аҳлоқий (эстетик) таълимни назарда тутамиз, аҳлоқ- мактабнинг олий мақсадидир. Таълим даврида бу мақсадга қандай эришиш мумкинлигини тушуниш учун аҳлоқ ва таълим тушунчалари маъносини очиб бериш керак. Аммо биз ишонамизки, уларнинг мазмунини тушуниш унча қийин эмас.

Формал таълим борлиққа асосланмаган. Ҳар бир таълим бирор бир материалга боғлиқ бўлади. Бу материал асосли ўрганилган бўлиши керак. Агар шундай экан, бу формал таълимдир. Аммо бу бир пайтда моддий ҳамдир, чунки у фақат ёдлаш билан чегараланмайди, ўрганилади.

Асосли таълим учун икки шарт етарли: 1) предметни қандай бўлса шундайлигича билиш ва 2) ундан фойдаланишни, қўллашни билиш. Предметни билиш деганда уни пассив билишни эмас, мустақил ўзлаштиришни тушунамиз. Формал таълим тўғри ўзлаштирилувчи билимни эмас, уни қўллашни ҳам ўргатади. Мактабда оғзаки гапириб бериш, мисол, масалалар ечиш шунга киради. Аммо мактабларда ҳалигача оддий ёдлаш бор экан, формал таълимдан воз кечиб бўлмайди. Имкон қадар чуқур билиш ва уни асосли ўзлаштириш ягона мақсадни ташкил қиласди, улар ажралмас бир бутундир. Демак формал таълимга, эски ёки янги тилларни, табиий фанлар ёки математикани алоҳида ўрганиш билан эмас, балки ҳамма даврлардаги асосий таълимий воситаларини асосли ўзлаштириш йўли билан, яъни бу предметларни комплекс ҳолда ўрганиш орқали эришилади. У предметларни турлари ёки миқдорига эмас, предметлар мазмунини ҳар томонлама ёритишдадир. Ҳар бир таълим фақат билимли қилмасдан, балки маълумотли ҳам қиласди.

Техника билан боғлиқ ташкилотларда масалан, химия заводлари ва фабрикаларида ходим модда ҳақида билимга эга бўлиши керак. Бу ҳам билвосита таълим олишга ундейди. Ҳар ҳолда бу ерда оддий мактабдан кўра химия фанига эътибор берилади. Мактабдаги бирор предмет бўйича дарслик билан, унга доир қисқача маълумотномаларнинг мақсади турличадир. Аммо асосий гап уларни ўзлаштиришда. Шунинг учун предметга эмас, уни ўзлаштиришга эътибор бериш керак. Агар предметни ўзлаштириш натижасида бирор куч ҳосил қилиб бўлинган бўлса, бу предмет унутилиши ҳам мумкин. Шунинг учун биз қатъий айтишимиз мумкинки, таълимнинг олий мақсади экстенсив-моддий эмас, интенсив-формалдир. Бу ерда бироз ошриб юборилган ҳам дейиш мумкин. Биринчидан яхши ўргангандарсан унтиш мумкин эмас, иккинчидан таълим бирор материалга асосланган бўлади. Уни ишлаб топилган капиталга, бадандаги қонга, миядаги ақлга қиёслаш мумкин. Капитал билан унинг проценти ҳам, қон билан энергия ҳам йўқолади. Рухий қобилиятни ҳосил қилишда умумийлик бўлмайди, унинг кучи фақат аниқ бир материал устида ишлаш натижасида пайдо бўлади. Шунинг учун ақлий ривожланишга турли туман материал керак. Бу материал ушлаб қолинган бўлиши керак. Материалсиз ҳам бирон бир кўникма, укув, тажрибага эга бўлиш мумкин, аммо бу ҳақиқий формал таълим бўлмайди, чунки у материалсиз мавжуд бўлолмайди. Бундай тажрибани фойдаси йўқ, бунинг исботи учун айрим ёзувчилар ижодини кузатиш етарли, улар яхши ёзишни, гапиришни биладилар, аммо материал бўйича билимлари етишмайди, яъни ҳақиқий таълимга эга бўлиб, ундан моҳирона эркин фойдалана олиш етишмайди.

Иккинчидан, биз кўп томонлама қизиқтиришни тавсия этамиз.

Юқорида исботлаганимиздек, бутун инсоният ривожланишига нисбатан, ҳар бир одамнинг алоҳида ривожланиши бир томонлама бўлиши мумкин, кўп қирралиликни, ҳар томонламаликни эса бутун инсоният ичидан қидириш керак. Аммо, бизнинг мақсадимиз бу бир томонламалик ҳақида гапириш эмас. Бирор соҳада юксак ютуқقا эга бўлмоқчи бўлган одам, ўз кучи, ғайратини шу соҳага йўналтириши керак демоқчимиз. Аммо ҳамма кўп томонлама билим олишга ҳаракат қилиши керак. Ўқитувчи ҳам шунга интилиши керак. Шунинг учун у предметни ҳар томонлама ўрганиши керак, бир нарса устида турли-туман машқлар бажариш керак. Кўп томонлик фақат хиллилик, кўп предметлилик ва кўп миқдорда мисоллар ечиш эмас, балки аниқ бир предметни турли усул билан баён этишдир. Ўқитаётган предмет ёрдамида онгнигина эмас, хотира, кузатувчанликни машқ қилдириш керак. Шунинг билан бирга ўқитилаётган предмет табиатига қараб иродани мустаҳкамлаш, характерни тарбиялаш, олинган билимни амалий, ёзма ва оғзаки машғулотларда қўллашни ўрганиш керак.

Хақиқий таълим одамни бутун вужудига хукмрон бўлди. Ўнта фанни бир томонлама ўргангандан, битта фанни ўн томонлама ўрганган маъқул. Гап берилаётган билим миқдорда эмас, уни ўзлаштиришда, амалий қўллай олишда.

Уйдаги ўқитишдан мактабда ўқитишни афзаллига шундаки, қанча кўп ўқувчи бўлса, битта предметни турли нуқтаи назардан ёритишга тўғри келади. Агар бундай қилинмаса, уйда таълим олганларга ҳавас қилиш керак бўлади, чунки у ерда умумий мактабдагига нисбатан билим кўпроқ берилаётган бўлади. Билим билан уқув бир бирига боғлиқдир. Уқув деганда инсонни бутун танаси ёки бирор аъзолари билан қилинаётган, фақат кўриниб турган кўниkmани эмас, балки олинган билимларни бошқа билимларни эгаллаш, ҳаётий фаолиятда ишлатиш, ёзма ва оғзаки кўниkmалар тушунилади. Агар ўқувчининг калласида дунёning билими бўлсаю, уни ишлатишни билмаса, ўқувчи учун бу жуда ачинарли ҳолдир. Улар ҳақида бирор нарсаларни билади, аммо ҳеч нарса қила олмайди дейишади.

Бундай ачинарли бир томонламалик кўпинча эски мактабларда учрайди. Ҳар томонлама билимга эга бўлган ўқитувчи ўқувчиларга ҳар томонлама таълим бериш учун доим элементар усувлар, имконият топа олади. Бундай ўқитувчи қуруқ такрорлаш, ёдлаш йўлидан, бир қулоқдан кириб, иккинчи қулоқдан чиқиб кетадиган усувлардан воз кечади. Ж.Поль ўқитувчиларгат қаратада айтганидек: «Барча эшишиб, ўқиб олинадиган билимлар, тушуниб ёзиб олиш, гапириб беришга нисбатан икки баравар кам самара беради». Биринчиси аёлларга хос тарбия усулидир, иккинчиси кўпроқ эркакларга хос тарбия усули ҳисобланади, бунда куч-куват, ўзига ишониш шаклланади. Ҳар бир таълим тилни амалий ўрганишдан иборат эмас, балки нутқ ўстиришдан иборат бўлиши керак: «Гапир, мен сени билиб олай!»

Қолаверса, юқоридаги қоидалар олинган ва олинаётган билимларни тушуниб олинган фикрлар оқимиға қўшилиб кетгунича давом эттириш кераклигини талаб қиласи.

Янги, ўрганилмаган нарсани ўрганиш биздан катта эътибор, қунт талаб қиласи, аммо шундай бўлганда ҳам биз дарровдан янги ўргангандан нарсани амалда қўллай олмаймиз. Бу осон иш эмас, аммо бунга албатта эришиш керак, чунки буни чуқур ўзлаштирмасдан туриб, кейинги юқорироқ поғонага чиқиб бўлмайди. Чунки ҳар бир поғона олдинги ва кейингисига боғлиқ, бирор нарсани яхши ўзлаштирилмаса, кейин дикқат бўлиниб кетиб фанни кейинги ўрганиш қийинлашади. Шунинг учун ҳар бир дарсни, мавзуни ўрганишда уни жуда чуқур, ҳар томонлама ўрганиш керак. Агар мавзуга алоҳида эътибор бериш зарур бўлмаса, уни ҳеч қийналмай қўллаш, ундан фойдаланиш мумкин бўлса, мақсадга эришган ҳисобланади. Фақат яхши ўргангандан нарса кўниkmага айланади.

Масалан, рояль чалувчи нотани қоғоздан ўқиб, уни қўли билан рояль тугмасидан топади, агар бу ҳолатни механик тарзда яхши ўрганмаган бўлса доим қийналади. Масалан ким қўшишни, айиришни, кўпайтиришни ўрганмасдан туриб бўлишни ўрганади. Шунинг учун ҳар бир мавзуни астойдил ўзлаштириш, амалий мустақил қўллашга эришиш керак. Фақат шу тарзда ўқиган бола ўзини эркин ҳис қиласди. “Секин юрсанг, узоққа борасан” деган мақолга амал қилган ҳолда таълимнинг барча бўғинларида унинг асосларини сўнмас тиришқоқлик билан ўрганиш лозим. Шундай ҳолда ўқувчи аста секинлик билан мутақилликга, предметни мутақил ўрганишга эришиб боради. Акс ҳолда жуда қийналади, ўқитувчини ҳам қийнайди. Шунинг учун Петер Шмид расм дарсида ўқувчига қўлидан келадиган нарсани чизишни тавсия этади. Бу ўқитишида шошилиш керак эмаслигини, ўқувчини етарлича услубий ишланмага эга бўлган ҳар бир қуи босқични мустаҳкам ўрганиши, керакли кўникумаларни ҳосил қилиши учун шоширмаслик кераклиги келиб чиқади. Шунда улардан фойдаланиб янги масала ва қийинчиликларни енгиши мумкин.

## **9. Ўқувчи ҳали ўзлаштира олмайдиган нарсани ҳеч қачон ўргатма!**

Ўқувчининг ривожланиш даражасидан юқорироқ ҳеч нарсани кераги йўқ. Бу дидактик қоидани мен қуидагида ифодаламоқчиман: «Ўқувчи ҳали тушунмайдиган нарсани ўргатма». Аммо «тушунмайди» деган нарсани ҳамма ҳар хил тушунади. Одам ўзи нимани тушунади?

Педагогика соҳасида ҳам кулгили ҳолатлар учрайди. Жуда таникли бир профессор педагогикадан лекция ўқииди. У гапирмасдан, болалик ички иккиланишларга эга бўлган ёшдир ва ҳар бир бола ўзини баҳтсиз ҳис қиласди деб исботламоқчи бўлади. Унинг фикрича, хотирани мустаҳкамлаш учун, мутлақо мазмунсиз, боғланмаган сўзлар билан машқ қилдириш керак.. Бизнинг фикримиз аксинча, тушунмаган ҳеч нарсани ёдлаш, эслаб қолиш ҳам керак эмас. Тўғри, тушунишни турли даражаси бор: бирор предметни бутунича тушунади, бошқаси эса афсуски қисман. Шунинг учун бизнинг талабимиз ўқув материалини ёдлаб, хотира ёрдамида ўзлаштирунг. Табиатга уйғун бўлган бола тушунмаган нарсани ёдламайди. Бизнинг болалар афсуски табиийлигини йўқотган. Улар тушунмасдан кўп ҳолларда ёдлайверади. Шу туфайли ўқишига бўлган қизиқиши сўнади. Ўқиш орқали бола руҳияти эркинлаштирунг, балки жиловланади. «Ҳақиқат сизни эркин қиласди». Биз ўқувчиларимизни ақлинни чегаралаб, нодонга айлантирамиз. Кўп мактаблар ўқувчиларини шундай қилиб чиқарадилар.

Бундай хол тушунмаган нарсани ёдлатгандан юзага келади. Мен асосан кўпчилик ўқиётган диний таълим мактабини назарда тутаяпман. Бу мактаб ўқувчиларини айби эмас, улар шундай қилишга мажбур. Ўқувчиларимизнинг кўпчилиги 12, 10, ҳатто 9 ёшда ҳам мактабдан кетадилар. Уларга умид бағишлаб, қолганини ҳаётни ўзи ўргатади дейдилар. Аммо бу бекочи гап. Рух ошқозонга ўхшаш нарса. Дарров ҳазм қила олмаган нарсани ҳеч қачон ҳазм қила олмайди, ишдан чиқаради холос. Шунинг учун бизнинг қоидамиз қатъий: ўқувчи ўрганаётган нарсасини тушуниши керак. Шу туфайли ҳар бир ўқитувчидан аниқлик талаб қилинади. Кўп ҳолатда тушунарли деган сўзни ўзини нотўғри тушунадилар. Осон ўзлаштирилган нарсага юзаки қарайдилар. Яхши тушунмаганни юқори баҳолайдилар. Биз бошланғич ўқитувчилар, бунга қўшилмаймиз. Тушунарли ҳолатга келтирилмаган нарсани ўқувчига тавсия қилмаслик керак. Аклли одам асосли равишда буни ички қарама-қаршиликлар ҳақида деб билади.

Ички қарама қаршиликлар ўз ичига олган нарсаларни, улар чукур фикрлилик дейишади. Ҳар бир ўқитувчи қуйидаги ҳолни ўйлаб кўрсин:

1. Ҳар бир тушунмай туриб ёдланган нарса заарлидир.
2. Ҳар бир ўзгамас, қотиб қолган ақида ривожланиб бораётган таълим оқимиға қўшилмаса руҳимизни сусайтиради.
3. Тушунмаган нарсани ўқувчига ёдлатиш маъсулиятсизликдир.

Шундай қилиб қуйидаги фикрларни бериш етарлидир, яъни қорани оқ қилиб бўлмайди, биз эса аниқ ва соддага бўлган меҳрга қўшиламиз.

## **10. Ўқувчилар ўрганганини унутмаслигини ғамини еб бор!**

Бу борада кечириб бўлмайдиган кўп қўпол хатоларга йўл қўйилмоқда. Қуи ва ўрта синфларда қанча нарсани ёд олишга тўғри келади, мактабни битириш арафасида ҳаммаси унутилади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун бир умрга керак бўлмаган нарсани ёдлатма, ёдлатаётганинг бир умрга керак бўлсин, ҳазина бўлсин. Бунга эришиш учун ҳафтада бир соат сўзма-сўз, оғзаки, ифодали такрорлаш керак. Бу ҳолда ўқувчилар мактабдан мақол ва маталлар, шеър ва қўшиқлар ҳазинасини олиб кетадилар ва умрининг охиригача ундан ҳурсанд бўладилар. Бундай пайтда ишдан чўчима! Агар ўқувчиларга ёдлатмокчи бўлган нарсани ўзинг яхши билсанг, бу машақкатли иш сен учун жуда осон туюлади. Аммо ўқувчидан сўрганингда китобга қараб текшириб турсанг, китобдан ташқари нарсани сўрай олмасанг, демак сен ҳақиқатдан тирик азобловчисан. Ўқувчиларга энг зарур, энг муҳим нарсаларнигина ўргатиш керак-ки, у бир умрга эслаб қолсин, ундан доим фойдалансин. Бу биринчи навбатда кейинги дарс олдингисидан

келиб чиқадиган, системали предметларга тааллуклы, масалан математика, чет тили ва хоказо. Бу қоидани кучи катта. Ўқувчи кейинчлик унутса бўладиган ҳеч нарсани ёдламаслиги керак. Нимаики ўта муҳим деб ҳисобланса, уни ёдлаш талаб қилинса, у ҳеч қачон унугласлиги керак. Бошланғич синфда ёдлаган нарса юқори синфда ҳам ҳудди кеча ёдлагандек эсда туриши керак.

Буни таъминлаш мактаб вазифасига киради. Бунга риоя қилмаслик маъсулиятсизликдир. Ёдлаган нарсани унугданда ҳам хотирани мустаҳкамлангани қоладику деганлар адашади. Хотира материалга асосланган бўлади ва у билан бирга ҳисобга олинади. Ёдлаганни унтиш - хотирани бузишdir. Ҳамма нарсани унтиш ҳеч нарсасиз ва хотирасиз қолидир. Шунинг учун ёдлаган нарсани вақти вақти билан қайтариш, хотирада янгилаб туриш керак, у йўқ бўлиб кетмаслиги керак. Буларга мақол ва маталлар, қўшиқ ва шеърлар, чет тили ва бошқа шу кабилар киради. Бирор нарсани ёдлаб, кейин ундан муҳимроқ нарсани ёдлагандан сўнг аввалгисини унтиб юбормаслик керак.

Баъзи ўқувчилар ва кишиларнинг ақл ва феъл- атворни бўшлиги уларни кўп нарсаларни яхши билмаслиги, ҳеч нарсани билмаслиги билан боғлиқдир. Яхши билиниши керак бўлган нарсаларни доим хотирада сақлаб юриш ва жойи келганда улардан фойдалана олиш керак. Шунинг учун юқори синф ўқитувчиси ўзининг фанидан ўқувчилар қуий синфда нималарни ўтганликларини билиши керак ва бу илгариги билимларни ишлата олиши керак. Ҳар бир ўқитувчи ўзгалар билан иши бўлмаса, ўз фани ўз ҳолича тушунтираверса, бунда фақат ўзининг хизмати бор деб билса, бундай мактабдан ўқувчилар нимани ҳам оларди.

## **11. Юқоридаги каби шундай ҳоллар борки, бунда ёдлатиш, тарбиялаш ва таълим бериш эмас, балки инсонийлик, фуқаролик ва миллийликнинг умумий асосларини яратиш керак!**

Бу принцип олдингиларининг бир қисми бўлиб, аммо маҳсус тушунтириш киритиш керак бўлади.

Гап касб-хунар таълими эмас, умумий таълим ҳақида боряпти.

Немис педагогикаси касб-хунар таълимини, масалан кадет корпусларини, тан олмайди. Немис педагогикаси бўлажак маҳсус таълимни умуминсоният таълимига асосланишини талаб қиласди. Маҳсус таълимни умумтаълимдан устунлигини зўрма-зўракилик деб атайди. Немис педагогикаси аввало инсонни тарбиялашни, кейин фуқарони ва миллат аъзосини тарбиялашни талаб қиласди. Шунинг учун: аввало инсон, кейин немис фуқароси, сўнгра касбдош ўртоқ дейишади, аммо тескариси эмас. Ҳар бир мутахассислик умумий билимга асосланган бўлиши керак. Табиат шундай ривожланади. Кристалл, ўсимлик, ҳайвонот, коинот жисмлари ноаниқ холатдан,

шаклдан аник шаклга айланади. Тил ҳам шу қонун бўйича ривожланади. Алоҳида олинган инсон ва бутун инсониятга табиий уйғунликда таълим беришга нисбатан ҳам шуни ҳис қилиш мумкин. Бу умумий асослар йиғилиб, ҳақиқий таълим қоидаларини ташкил қиласди, бу асослардан аник бир ўқитиш шакллари ва турлари пайдо бўлади. Ҳар бир билим шунга кўра борган сари кенгайиб боради. Юқорида айтилганлардан, бошланғич таълимда фақат умумий ва абстракт билимлар талаб қилинар экан деган нотўғри хулоса чиқмаслиги керак.

Фикримизни изоҳлаш учун шуни айтиш керакки, биз диний таълим бошлаш учун черков конфессионал таълимдан бошлашни талаб қилмаймиз, биз умуман уни бекор қиласмиз. Бизнинг талабларимиз қуйидагича: барча келажақдаги маҳсус қасблар учун миллий, диний хиссиётлар уйғотиш шарт эмас. Болалар катта бўлганда қайси динни танласа ўшанга эътиқод қиласди. Ёш бола ҳали ишонч ҳосил қилмай, ўзини эътиқод йўлига эга бўлмай туриб уни у ёки бу дин йўлига йўналтириш мажбурлаш, зўравонлик мумкин эмас. Ёшларни ўқитиш бутун дунёда бир хил. Ҳар бир ўқитувчи хоким билан баробар, аммо у на сиёсий раҳбар, на партиявий одам бўлишга ҳаққи йўқ. У фақат ўқувчига ўз устида ишлаш билан маданиятсизлик, қўполлиқдан халос бўлишни ўргатади. Ўқувчи бегона фикр сўзларни тақорорлаш, ёдлаш йўли билан эмас, балки ўз фаолияти ёрдамида эркин инсон бўлиб етиши мумкин. Инсон ўзини қанча эркин ҳис қилса, қанча кам формула ва қоидалар унинг қобилияти, куч кўникумларини боғлаб турса одам ўзини шунча баҳтлироқ ҳис қиласди.

## **12. Ўқувчини ишлашга, ишни севишга, иш билан бир тану бир жон бўлишга ўргат, токи у ўзини ишсиз тасаввур қила олмасин!**

Бу тўғрисида алоҳида гап юритишни ўзи ҳам мантиққа тўғри бўлмаса ҳам, начора. Етарли даражада аник тушунтира олмадим шекилли, деб ўйлайсан одам. Шунинг учун тақорорлашга мажбурман: ўқувчини дикқат билан ўқиши, ўзлаштириши ва қабул қилиши етарли эмас. Йўқ.! Уни мустақил ишлашга мажбур эт, мустақил ишлашга, уни ўз кучи билан билимни эгаллашдан бошқа чораси йўқлигига ўргат. У мустақил ўрганиши, изланиши ўзини чиниқтириши керак.

Ҳозиргача кўпчилик “Ўзича ҳеч бир инсон яхшилик қилишга қодир эмас, у яхшилик қилишдан, ёмонлик қилишга қодирдир” – деб билишади ва гапиради. У барча аҳмоқона оғишлардан ва ёмон кўникумлардан озод бўлиши керак. Барча яхшилик деб билган ҳамма нарса аслида усти ялтироқ ёмонликдир. Ҳафтанинг маълум кунларида одамларга уларнинг гуноҳлари ҳақида диний маъруза

үқилади, уларни бу гунохлардан воз кечишга ёки товба қилишга ундаидилар, аммо ҳаммаси эскича қолаверади.

Бизнинг кунимизни хусусияти шундаки, ҳозир дангасалик, маъсулиятсизлик одатдан чиқиб кета боряпти. Ҳеч иш қилмаслик илгари баҳт деб ҳисобланган, бир умр ибодат қилган руҳоний ҳисобланган. Мехнат орқасидан эришилган баҳт тан олинмас эди. Одам фақат ўзининг меҳнати, кучи орқалигина ҳақиқий инсон бўлиб етишини тушунмаганлар. Эркин касбни жамоат тан оларди. Аммо жисмоний меҳнат билан кун кечираётганлар шуни билар эдики, уларни одам ўрнида кўрмаганлар. Одамнинг меҳнати, унинг моҳияти тан олинмас эди. Ва ниҳоят бу хатони тан олиб, меҳнатни моҳиятини тан олган, меҳнаткашни ҳурматлашга ўргатган замонамизга офаринлар бўлсин. Бунинг натижаси борган сари билинмоқда.

Бу ўзгариш билан бизнинг педагогик қоидамиз боғлиқ: фақат меҳнат туфайли боладан фойда чиқади. Шунинг учун ўқитувчининг вазифаси уни меҳнатга ўргатишдир. Бундан келиб чиқадиган қоида болани пассивликка ўргатма, у доим фаол бўлсин, унга кучини ишлатишни ўргат. Унга шундай муомала қилки, у мактабга ишлаш учун келаётганлигини тушунсин.

Мактаб олдин тоат-ибодат қилинадиган жой, болалар черкови эди, кейинчалик бу жойлар ўқув юртига айланди. Энди у устахонага айланиши керак. У ерда ҳамма ишлайди. Ўқувчи ҳам иш ўрганади. Бунинг учун ўқитувчи ўз ишининг устаси бўлиши керак. Ўқувчиларидан моҳир шогирдлар чиқариши керак. Бу мактаб билан диний мазмундаги ашула ва шеърларни ёдлатаётган мактабни солиштиричи. Ҳали ҳам қуруқ ёдлаш ва ёзишдан бошқа нарсалар билан шуғулланмайдиган мактаблар борлигини билиб афсусланиб кетасан киши.

Ўқувчи қўли, тили ва боши билан ишласин! Бу ҳолат унинг ички эҳтиёжига айлансин. Бу ўқувчининг ўрнига ҳеч ким емагани ва ичмаганидек бошқа одам ўқий олмайди. Ҳеч ким унинг ўринбосари бўлолмайди. Ҳамма нарсага у ўзи эришиши керак. Нимага эришса у ўзиники. Бу ҳолат исботсиз аниқ, аммо минглаб одамлар бу нарсани билмагандай тутади. Шунинг учун улар ҳали ҳам ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

### **13. Ўз ўқувчиларингни алоҳида ҳусусиятларини ҳисобга ол!**

Қонун олдида баробарлик – улуғ фикр. Бу мактабга ҳам тегишли, чунки мактаб болани ҳаётга таёrlайди. Ўқитиш усулидаги тенглик ҳамма ўқувчиларга нисбатан қўлланилади. Қанчалик болалар табиати бир хил бўлса, қанчалик фан ўқитиш услуги уларга муносиб бўлса, шунчалик улар тенг билим олишлари керак. Аммо энг кичик ёшдаги болаларда айрим хусусиятлар кўзга ташланади. Биттаси осонгина фараз қила олса, иккинчиси кўрса

яхши тушунади. Учинчиси эса расм ва хикоя орқали тушунади. Яъни онг назарий ва амалий бўлади. Бу борада болаларнинг қобилиятини ҳисобга олиш керак. Ҳамманинг қобилияти бир хил бўлмаслиги мумкин.

Предметлар кўпайган сари уларни сони билан баробар қийинчиликлари ҳам ошиб боради. Бунда айниқса болаларнинг қобилиятини ҳисобга олиш керак. Ҳаммага бир хил талаб қўйиш, ҳаммани бир хил ютуқقا эга бўлишини талаб қилиш адолатдан эмас. Яхши хотирага эга бола билан эслаб қолиш қобилияти суст бўлган бола баробар ўқитилмайди. Бири назарий қобилиятга, иккинчиси амалий қобилиятга эга бўлса, уларни койиш керак эмас. Ҳаммасидан ҳамма нарсани бир хилда талаб қилиб бўлмайди.

Агар бола асосий предметларни яхши ўзлаштиrsa, бошқаларини секинроқ озроқ ўзлаштириши мумкин. Биз ўқитувчиларнинг лоқайдлигини оқламаймиз. Аммо ҳозирги кунда, ўқувчидан кўпроқ талаб қилиб, унинг эркинлигини буғиш керак эмас. Бу кўпроқ ўрта ўкув юртларига тегишлидир, чунки улар ўқувчини жуда катта ўкув предметлари билан эзиб ташлаганки, бу ерда боланинг эркинлиги эмас балки, табиий ривожланишига ҳам шубха туғдиради.

Изоҳ: Лоринзернинг машҳур мақоласидан кейин бу тўғрисидап кўп баҳслар бўлди. Гап гимназиялар тўғрисида борган эди. Аммо баҳслар зарур натижа бермади. Ҳалқ ва шаҳар мактаблари ва ўқитувчилар семинариялари кўриб чиқилмади ёки бир четда қолиб кетди. Аммо бу хол уларни ҳам огоҳлантириши керак. Ўқувчиларни бутун вақти мактаб ва мактаб учун ўтмаслиги керак. Айниқса қизларга ачинасан одам.

Биз билим баҳосини ошириб юбордик. Улар бош ўринда турмаслиги керак. Кўп одамлар камроқ билиб, кўпроқ ишлашни яхши кўрадилар. Билимларни ҳаддан даражада кўплиги, одатда яхшиликка олиб келмаслиги мумкин. Бизга кучли одамлар етишмайди. Катта ҳажмдаги бўлар бўлмас билим билан болаларни миясини тўлдирмайлик. Уларнинг бир томонлама ривожланишига сабабчи бўламиз. Эркин ривожланаётган кучга кенг йўл очиб берайлик!

Юқорида биз дидактика фанининг энг муҳим қоидаларини санаб ўтдик. Энди якун ясаймиз.

Чин тарбиячи ўзининг тарбияланувчисини ички кучларини, табиий ривожланишини таъминлайди. Ўқув материалининг омборхонасига айлантирмайди. Ўқувчига бир томонлама эмас, ҳар томонлама таълим беради.

Шунинг учун у нафақат индивидуалликка, балки умуумийликка, умуумисонийликдан миллийликка эришади.

## **II. Үқув материали, объектига тегишли таълим қоидалари**

### **1. Ҳар бир үқув предмети материалини үқувчининг ривожланиши даражасига қараб ва үқувчини ривожланиш қонунларига қараб тақсимла!**

Фанда материални мақсад деб билиш мумкин. Баён қилиш усули эса обьектив нуқтаи назарга асосланиб танланиши мумкин. Аммо ёшларга ўргатиш учун бундай қилиш мумкин эмас. Үқув материали болаларни таълим олиши учун яратилгани сабабли уларнинг ривожланиш даражасига мос бўлиши керак. Ҳар доим формал нуқтаи назар хукмрон бўлиши керак. Гап олимлар каби чуқур билим даражаси маълумотига эга бўлиш ҳақида эмас, фақат ривожланиш, билим олиш ҳақида кетмоқда. Умид қиласизки айтилганлар фикримизни исботлаш учун етарлидир.

### **2. Асосларни ўргатишга ҳаракат қил!**

Бу қоида асосли ва мувоффақиятни таъминлайди. Кимки мукаммал пойdevор яратмаса бир умр ками-кетигини ростлаб ўтади ёки бошқача қилиб айтганда курган иморатини қулашини кутиб ўтади. Ҳар бир енгилтаклик, юзаки муносабатни бу ерда кечириб бўлмайди. Асосларни ўрганимасдан туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Үқувчилар фанга ва ўқитувчига, қолаверса ўқишга ҳам қизиқишини йўқотадилар. Шунинг учун тажрибали, маъсулиятли ўқитувчи асосларни ўргатишда шунчалик талабчан бўладики, уларни мижғов ҳам дейишади. Ёш ўқитувчилар эса мавзудан мавзуга шошиб ўтадилар. Кейин ўзлари афсусланадилар. Масалан: лотин тилини ўрганишдан олдин грамматикани чуқур ўрганиш керак. Арифметикадан олдин арифметик амаллар, ҳуснихатдан олдин асосий чизиқлар, илмоқлар, белгилар ўрганилади.

Асосларни ўрганишда узок вақт қолиб кетдим деб ҳеч ким қўрқмасин. Уй солишини кузатинг. Пойdevорга кўп вақт кетади, лекин кейинги ишлар жуда тез бўлади ва кўзга тез кўринади. Үқиш ҳам шундай. Асосларни ўрганишга кетган жуда кўп вақт кейин сизнинг анчагина вақтингизни тежайди.

### **3. Келтириб чиқарилган ҳолатларни тушунтиришда тез-тез дастлабки асосий тушунчаларга мурожаат қил ва охиргисидан олдингиларини келтириб чиқар!**

Бу қоида албатта биринчи навбатда арифметика, геометрия каби предметларга тегишли. Предметни систематик ўрганишда, агар ўн иккинчи ҳолатни ўн биринчидан чиқариш мумкин бўлса шундай қилиш керак. Аммо 12 – қоидани бирламчи асос бўйича чиқарилса унда тушунча яна ҳам тўлароқ бўлади. Шунинг учун арифметикада олинган сонли ифодаларни асослаш, кўпроқ бир

орқали ифодалашга келтирилади. Бу билан олий даражадаги аниқлик ва ишончлиликка эришилади.

Албатта буни доим қўллаб бўлмайди. Чунки келтириб чиқарилган ҳолат борган сари умумлашиб, дастлабкилар кўргазмалиликка айланниб боради. Шунинг учун марказий ҳолатдан бошланғич ҳолатга қайтиш баъзан бекор сарфланган вақтга айланади. Аммо бу қоиданинг тўғрилигини исботлаш керак эмас. Бу қоида бевосита элементар усулдан келиб чиқади. Унинг илмий усулдан фарқини хали кўпчилик тушунгани йўқ. Элементар таълимда ҳамма нарса мустаҳкам пойдеворга боғлиқ. Қурилишни жуда кенг асосда олиб борилиши ҳақидаги фикрнинг мақсадга мувофиқлиги бу ерда ҳам ўринли.

#### **4. Ҳар бир материални таниш бўлган поғона ва тугалланган қисмларга тақсимла!**

Бундай тақсимлашда ўқувчи қоидада кўрсатилган мақсадга эришади. Яъни у предметни кўра олади. Агар ҳар бир қисмда бу қисмдан келиб чиқадиган кейинги қисмни сезса ёки билса бу жуда яхши. Бу ўқувчининг қобилиятини, фикрлашини ривожлантиради. Ўқитувчи эса боланинг табиатига чуқурроқ кириб уни илмий машғулотга қодирлигини белгилайди. Демак ўқитиш режасини доим аниқ туз.

#### **5. Ҳар бир босқичда кейинги босқичнинг айрим қисмларини кўрсат, узилишга йўл қўймасдан, болани қизиқтириш учун алоҳида ҳолларни келтириб чиқар, аммо уни тўла қониқтирма!**

Бу усул билан кейинги маълумотга қизиқиши уйғотилади. Унга эътибор тортилади. Кейинги дарсда бу масала тўла ёритилганида ўқувчига у завқ бағишлиайди. Лессинг ўзининг кенг танилган “Инсониятни тарбиялаш” китобида шундай ёзган: “Бундай олдиндан бериладиган машқлар, кўрсатмаларда элементар дарсликни мусбат камолоти ётади. Номаълум ҳақиқатни топиш йўлида тўғаноқ бўлмаслик эса уни манфий хусусиятидир”.

#### **6. Материални шундай тақсимлаки, кейинги босқичда янги нарсани ўрганишда олдингиси албатта тақрорлансин!**

Бу усулда номаълум маълумга қўшилади. Бунга кўра ўрганилган масала мустаҳкамланади ва бундан мураккаброқ нарсани тушунишга ёрдам беради. Албатта бу осон иш эмас, бу предметга боғлиқ, аммо ҳар ҳолда ҳаракат қилиб кўрса бўлади. Айниқса бу усулни арифметика, хусниҳат, расм, грамматика, геометрия фанларида қўллаган маъқул. Агар 5-қоида қисман кейингини беришни ўргатса, 6-қоида ўргатилганга қайтишни ўргатади. Бу иккала қоида биргалиқда фанни бирлигини объектив

муносабатда билдиради, субъктив муносабатда қизиқиш ва доимий машқни билдиради.

## **7. Мазмунан яқин предметларни бир-бирига боғла!**

Бу принципни аввалиларга ўхшаб түғри тушуниш керак. Жакато ҳамма нарсани ҳамма ерда топибгина қолмай, бир вақтда бир жойда ҳамма нарсани топишни ўрган, деган эди. Биз бу фикрга қўшилмаймиз, чунки бу ҳолда ҳеч нарсани батафсил кўриб бўлмайди. Мияда ҳамма нарса аралашиб кетади.

Гарниш ўзининг “Дунёшунослик” китобида турли предметларни бир бирига боғлади. Унинг усули ҳақиқатга яқинроқ бўлса ҳам, биз бу фикрга ҳам қўшилмаймиз. Түғри бутунлай бошқа-бошқа нарсалар маълум холатда бир-бирини тўлдиради, боғланади, аммо мутлақо турли-турли фанлар алоҳида ўқитилиши керак. Фақат уларни яқинлигини алоҳида аниқлаш ва аниқ кўрсатиш керак.

Бу фикр менинг “Мактаб хрестоматиясиға қўлланма” асаримнинг асосини ташкил қилган. Унда тилни ўқитиш хрестоматиянинг атрофида бўлиши керак ва у битта предметни ҳар томонлама ёритиб бериши керак дейилган. Масалан, ўқиш дарсидаги матн бу дарсда ўқишни машқ қилиш учун, орфография дарсида түғри ёзиш учун, грамматикада грамматик таҳлилга тегишли қоидаларни ўрганиш учун машқ материали бўлиши керак. Ҳамма предметлар ҳам, ўзаро боғлиқ, бир бирига яқин предметлар каби бир-бирига боғлиқ ҳолда ўқитилавермайди.

Табиатшунослиқда хали ҳам қониқарли қўлланма йўқ. У албатта пайдо бўлади, чунки янги дидактика шу принципни қўллашни талаб қилмоқда. Бу талаб ҳамма фанни ўзаро боғланган системада ўқитиш эмас, балки ўзаро яқин фанларни боғлаб ўқитишни назарда тутади. Шунда ўтилган дарс такрорланиб ва тўлароқ ёритилади. Ҳамма нарса бир –бирига боғлиқ бўлиши керак. Бири бошқасининг ҳисобига пишади ва етилади.

## **8. Предметдан унинг аҳамиятига ўт, аксинча эмас!**

Предмет, яъни уни сезиш, фараз қилиш, тушуниш, фикр мазмунни ташкил қиласди яъни энг асосий асосий нарсадир. Диққатни биринчи навбатда шунга йўналтириш. Предмет қабул қилинганидан сўнг, унинг белгилари аниқланади: Эшитиб бўладиганлар – сўзлар, гаплар, кўриб бўладиганлар –табиий белгилар, расмлар ва ҳоказо, чунки улар энди аниқ бир мазмунга эгалар.

Сўзларни мазмунсиз такрорлашга энди ўрин йўқ. Тўғри, кўп нарса фақат расм ёрдамида аниқ бўлади, масалан географияда драсида. Аммо, иложи борича бола предметни расмсиз кўз олдига келтиришга уриниб кўриши керак. Масалан астрономияда моделлар фақат охирида қўлланилади. Улар ўқувчининг тасаввури

тұғрилигини исботлайдилар. Демак, моделдан бошламаслик керак, улар билан танишиш сүнги жараён бўлиши лозим. Бу қоида жуда муҳим, аммо кўпинча уни бажармайдилар. Ҳатто, кўп жойларда уни билмайдилар ҳам.

## **9. Ўқитиш усулини танлаганда фаннинг табиатини ҳисобга ол !**

Ташқаридан қараганда фақат икки таълим усули бор. Бирида – билим баён этилади, яъни берилади. Иккинчиси – ўқитишнинг доктрина ва ривожлантирувчи усууллари ёрдамида ўқувчини фанни яратишга ундейди. Биринчиси ўқитувчининг баён этишига, иккинчи муроқот усулига асосланган. Биринчидан ўқувчиларга гап ёки мавзунинг бир қисми ўқиб ёки гапириб берилади. Ўқитувчини ўқувчи тинглайди, ёдлайди, ёзиб олади. Иккинчидан ўқувчи ўқитувчининг саволига жавоб беради, ўқувчилар ҳам савол бериши мумкин, яъни дарс сухбат тарзida бўлади. Агар ўқувчилар савол берса, демак бу мактабда ақлий меҳнат қайнаётган бўлади. Саволли таълим доим ривожлантирувчи бўлавермайди. Масалан, у ўтилган дарсни текшириш дарси бўлиши мумкин, янги дарсни ўқувчининг ўзи саволларга жавоблар топиб ўзлаштириши мумкин. Бундай таълим Суқротча таълим(ёки катехизис) ҳам дейилади. Иккала номни синоним ўрнида қўллашимиз мумкин, тўғри катехизис кўпинча таҳлилни назарда тутади. Иккинчиси - бирлаштирувчи маънога эга. Баён этувчи усул фақат янги ўқишини ўрганганларга тўғри келади. Иккинчиси – мустақил фикр юритувчи учундир, лекин тажрибали моҳир ўқитувчи биттагина усулга қатъий риоя қилмайди. Бюффон айтганидек: “Одамни ёзишидан унинг кимлигини билиш мумкин”. Шунга ўхшаш, ўқитувчининг ўзи ўқитиш усулини танлаши мумкин.

Аммо усул ҳеч нарсани ҳал қилмайди деб бўлмайди. Бу фикр битта усулни маҳкам ушлаб олган, эркинликни истовчи ўқитувчиларнинг фикридир. Усул эса унинг қўллаётган ўқитувчининг қобилиятларидан ташқари фанга боғлиқ. Ҳамма нарса ўқитиш усулига боғлиқ дейиш тўғри бўлар эди. Ҳамма предметлар иккига бўлинади- тарихий ва рационал. Биринчиси – бўлиб ўтган фактларга асосланган, иккинчиси инсоннинг ўзгармас табиатидан, ҳар бир фикр юритувчи инсон орқали келиб чиқади.

I гурӯҳ предметларига - тарих, география, диний таълимотнинг тарихий қисми грамматика ва бошқалар киради.

II гурӯҳга – фалсафа, математика, арифметика, геометрия, мантиқ, этика ва бошқа фанлар киради. Айрим фанлар аралаш фанлар қаторига киради: грамматика, диний фан, табиатшунослик. Тарихий билимлар болага берилиши керак, аммо улар ривожланмайди. Уларни тўғри тушуниб тўғри ўрганса бўлди. Шунинг учун бу фанлар баён шаклида ўқитилиши мумкин, ўқувчидан фақат қабул қилиш қобилияти талаб қилинади. Буни назорат қилиш учун

ўқувчидан гапириб беришни сўраш керак. Бу усул минг марта фойдали. Доим ўқитувчини эшишидан кўра, фақат тарбиядагина эмас балки таълимда ҳам, қисқа гапли ўқитиш энг яхшиси ҳисобланади. Буни тўғри тушуниш керак.

Тарихий фанларни рационал фанлардан кўра таълимот кучи камроқ, шунинг учун рационал фанлар баён сифатида берилмасин. Уларни ўрганиш жуда аста борадиган жараён, аммо ундан қутилиб бўлмайди, чунки ҳар бир чин таълим секин амалга ошади. Гап билим ҳажмида эмас, ақлий кучнинг ривожида, нутқ, баён қобилиятини ўсишида. Рационал пердметларни ўқитиш усулига қараб тарбиячи сифатида ўқитувчининг маҳорати хақида гапириш мумкин. Суқрат буюк устоз бўлиб, ўзини момокампирга ўхшатган.Faқат рационал таълим орқали ўқувчи мустақилликка ўрганади. Тарихий билим жуда муҳим, аммо таълим учун иккинчи даражалидир. Шунинг учун ҳамма мактабда у иккинчи ролни ўйнаши керак. Faқат тарихий билим берган, фақат баён усулида дарс берган ўқитувчи ҳеч қачон ўқувчидан мустақилликни тарбиялай олмайди. Бундай мактаблардан мустақил фикрга эга бўла олмайдиган, ҳамма нарсага осонгина ишонадиган одам чиқади. Faқат рационал таълим берган, ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатган, уни чиниқтирган, мустаҳкамликни ўргатган ўқитувчигина чукур маънода ёшлар тарбиячиси бўла олади. Қолган ҳамма нарса фақат ўргатишдан иборат, таълим бериш эмас, ривожланиш эмас. Демак иложи борича мулоқот асосида билим бериш керак, яъни ўқитувчи ўқувчи ўзлаштирадиган материални мулоқот(сухбат)га айлантиради, бериладиган саволларни пухта ўйлайди. Айрим ҳолларда диктант қилиб ёздириш мумкин масалан тўғри ёзишни ўргатиш ва хусниҳат учун, аммо мактабда савол ва жавоб усули ҳукмрон бўлиши керак. Саволлар тузиш, уларга жавоб излаш ва топиш – бу ҳаётдир. Қаерда ўқитувчи саволни моҳирона тузса, ўқувчилар эса тўғри шаҳдам жавоб берса, энг муҳим нарсаларга эътибор билан қараса, ўша ерда ақлий ривожланиш, руҳий баркамоллик яшнайди, у ерда ажойиб гул бўлиб очиладиган кўплаб ғунчалар пайдо бўлади. Бундай мактаб ёш ақилни машқ саҳнасига айланади.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш керакки, бошланғич таълимда формал мақсад устун туриши керак, биз куч, имкониятни юксалтириш учун қўлимиздан келганини қиласиз. Аммо формал мақсад талабига кўра, баён қилишни предметнинг табиатига қарама – қарши деб ўйламаслик керак. Субъективлик ва объективлик ўзаро келишишади. Аммо бу баъзи илмий системалар ҳақидаги фикрларга таълуқли эмас. Формал мақсад ҳамма фанни генетик баён йўли билан берилишини талаб этади. Чунки улар айни шу йўл билан одам онгига кириб борган. Фанни йўли ва усули айнан таълим усулидир. Албатта ҳеч қайси йўл хатодан холи эмас. Аммо

инсоният йўли ҳар бир инсонни тарбиялаш йўлини белгилайди. Фақат инсоният минглаб йиллар давомида ўтган йўлни инсон бир неча йилда босиб ўтади. Аммо уни қўзини боғлаб еталаш ярамайди, у ҳақиқатни тайёр натижа сифатида эмас, балки янгилик кашф этгандай очиши мумкин. Ўқитувчи шу кашфиётга томошабин эмас, экспедиция бошлиғи сифатида иштирок этиши керак, лекин ўқувчи бор кучини сарфлаши даркор. Ҳеч нарса бекордан-бекорга келмайди, унга эришилади. Интилганга толеъ ёр бўлаади. Монтењ айтганидек “Доноликка бироннинг донолиги билан эришилмайди, унга фақат ўз кучи билан эришиллади”. Формал ва моддий таълим баробар амалга ошади. Материални шундай баён этиш, ёдлатиш мумкин, аммо бундан ҳеч қандай таълим чиқмайди. Бу предметга мос таълим бўлмайди. Бундай ўқитиш на материалга, на субъект табиатига мос келади. Яхши формал таълим моддий жиҳатдан ҳам фойдалидир.

Таълимнинг тўғри усули ташқи кўриниши эмас, у фаннинг табиатидан келиб чиқади. Тўғри усулда объектив ва субъектив томонлар мос келади. Агар усул ўқувчининг табиатига мос келса, демак у фанга мос. Субъект ва объект ўртасида бу ерда тафовут йўқ. Тўғри усулни топиш учун, ҳам субъект, ҳам объектни назарда тутиш керак. Кўп холда фанлар тушунарсиз баён этилган. Бу ерда гап биладиган эмас, билмайдиган ўқувчи ҳақида боряпти. Қаерда бу борада келишмовчилик бўлса, ўша ерда фандан олдин ўқувчининг манфаатини ўйлаш керак. Яхши усулни биринчи белгиси - у педагогикага асосланганлиги, яъни субъектив тўғрилигидир. Бу ҳолда у объектив жиҳатдан ҳам тўғридир. Фанни предметга айлантирган, уни доктринага ҳам айлантиради.

Юқорида айтилганларни башқача қилиб ифодалаш мумкин. Ҳар бир предметни ўқитилиш усули унинг манбаасига ёки принципига мос бўлиши керак. Тарихни тарихий қилиб ўт, рационални рационал тарзда! Акс ҳолда усул фан табиатига зид бўлади. Яъни, биз субъектив усулни инкор этиб, объектив усулни талаб қилган бўламиз. Бу ерда “Одам усулни тақдим этади”. - деган иборага “предмет усулни тақдим этади” иборасини тенг қўйиш мумкин. Билимнинг иккита бош манбааси мавжуд: тажриба ва онг. Тажрибавий билимга барча тарихий фактлар, барча ҳис қилинадиган ҳодисалар, дунёдаги физик хоссалар ҳамда инсон танага доир хоссалар киради. Рационал ёки онгли билимларга этика, математика, фалсафа фанлари мазмуни киради. Бизнинг принцип, келиб чиқиши турлича бўлган билимлар соҳаси, ўзларининг келиб чиқишига мос ҳолда ўргатилишини талаб қиласи. Тарихий билим асосан хотира орқали ўзлаштирилади. Онгли билим эса мустақил фикр юритиш натижасида ҳосил қилинади. Кўп билимни ақл кучи билан эмас хотира кучи билан эгаллаш мумкин.

Лекин ақлий, илмий, асосли билимни ҳеч қачон бундай әгаллаб бўлмайди.

Бу хақиқат, бирор кишида тажриба фанлари билан шуғулланиш ақлий қобилият талаб қилмайди деган фикрни туғдирмаслиги керак.

Нозик кузатувчанлик, диққат-эътибор билан самарали эшитишнинг ўзи умумий ривожланишсиз, ақлий фаолиятсиз бўлмайди.

Агар фактлар эшитилиб, қабул қилинса, ундан кейин ақлий меҳнат, бир-бири билан алоқадорлик бошланади, натижада фанга доир хulosалар, алоҳида билимлар пайдо бўлади. Шундан кўринадики бу икки билим манбаи бир биридан унчалик йироқ эмас, уларни онгга сиғдириш учун маълум миқдорда ақлий меҳнат қилиш керак. Ҳар бир илмий билимга фақат ақлий меҳнат туфайли эришилади.

Бизнинг қоидамиз, турли билимлар ўзларининг асосидаги принципига қарама қарши баён этилмаслигини талаб қилади. Бу огоҳлантириш айниқса рационал билимга тегишли, чунки у ўз принципига қарши тарихийдек баён этилиши мумкин. Бу нотўри, ўқитувчи ёки китоб болани қисқа йўл билан мустақил билим олишга йўналтириши керак. Бу зарур талабдир. Ўз устида ишлаган одам бир умр ўқиши керак. Математика, эстетика, фалсафанинг қоидалари кўр кўrona ёдланган бўлса, кейинчалик таҳлил қилинмаса, асосланмаса, уларнинг онгга фойдадан кўра зиёни кўпроқ бўлади. Фақат мустақил фикр юритиш йўли билан билим ишончга айланади. Тарихий билимларни ҳам рационал тарзда бериб кўрилган, аммо бунинг фойдаси бўлмаган.

Айрим файласуфлар фирибгарларга ўхшаб ошкора ёки яширин холда эмпирик таълимдан воз кечадиларда кейинчалик уни барибир кўзбўямачилик қилиб қурадилар. Хуллас, тўғри усул ҳам ҳозирча унча мунча ишончга эга бўлган эски усулни енгади.

## **10. Ўқув материалини ўйлаб чиқарилган тушунчалар, умумий схема асосида тақсимлама, уни ҳар доим ҳар томонлама кўриб чиқ !**

Буни тушунтиришга ҳаракат қиласиз. Гап асосан математик предметлар, хусусан арифметика тўғрисида боряпти.

Табиатшуносликни умумий тушунчалар ва белгилар асосида ўрганиш мумкин, бошида ягона тушунча асосида кўплабтушунчалар шакллантирилади. Шу усулда Линей системаси ва ундаги ўқитиш системаси пайдо бўлган.

Арифметикада сонларни аниқ бир амаллар асосида(кўшиш, айриш ва ҳ.к.) қисмларга ажратиш мумкин.

Бу ва бошқа ҳолларда битта фикр, битта амал, битта усул ушлаб олинниб, уни бошқа ҳолларга тадбиқ қилинади. Бу эски абстракт ўқитиш.

Бу фикрни бошланғич синф мисолида күргазмали қилиб тушунтирамиз. Буюмларни катта кичиклигига, ранги, шаклига қараб ажратиш мүмкін ёки битта предметни үзини турли белгиларга ажратса бўлади. Биринчи ҳолда битта тушунча битта предметни ифодалайди, иккинчиде предмет тушунчани ифодалайди. Иккинчиси бизнинг мақсадимизга мувофиқ, чунки биз элементар таълим ҳақида гапиряпмиз. Ўсимликнинг барча белгиларини аниқлагандан кейин, уни бошқаларга солишириш керак. Ҳар бир сонни ўзи билан турли амалларни бажариш, бошқалари билан солишириш мүмкін. Шундай қилиб предмет ҳар томонлама ўрганилади. Кейинроқ предметни айрим қисмлари ҳар томонлама кўриб чиқилиб, ўхшаш белгилар биттага ва тушунчага келтирилади, яъни системалаштириш юз беради. Оддий ўқитишида предметни ҳар томонлама кўриб, ўрганиш керак бўлади. Айрим жойларда органик ўқитиши тўғрисида гап бормоқда ва органик ўқитиши талаб қилинмоқда. Агар адашмасам айнан юқорида кўриб чиққанларимизни шундай атاشяпти. Шу маънода, предмет усулдан иборат ёки предмет уни ўранишни қандай бўлишини белгилайди дейиш мүмкін. Объектив усул системалаштиришни эркин бажаради, субъектив усул материални шундай жойлаштирадики, у айнан боланинг онгига мос бўлади. Шунинг учун ҳар бир поғона олдингига ва кейингига боғлиқдир. Демак, у ерда ўқитувчи олдида бормайди, ўқувчи ўқитувчига эргашади, олдинга етакловчи ҳаракат эса предметнинг ўзиладир. Масалан, арифметикани ўқитишида бир поғонани бошқаси орқали ривожланиши рақамлар табиатига кўра амалга ошади, шунинг учун ҳар томонлама кўриб чиқишида тўрт амал ишлатилади, сонлар унга мосланмайди. Бу фикрлар аниқроқ кўриб чиқиши талаб қиласди.

## **11. Умумий ҳаракатлар воситасидан фойдаланмай кейинги ҳолатларни келтириб чиқар, уларни предмет табиати асосида ривожлантири!**

Бу тағин математика ўқитилишига тегишли. Умумий амаллар қуйидаги аксиомалардан иборат: тенг билан тенг тенглик ҳосил қиласди, тенгдан тенглик келиб чиқади ... ва ҳ.к. Тенгдан тенгни чиқарсак тенгни беради, хуллас тенг қийматларга бир хил амал қўллаш бир хил натижага олиб келади. Бу амаллардан мустасно бўлишни иложи йўқ, аммо янги қонунларни фақат шу қонун воситасида изласак ишонарли натижага эришиш мүмкін, аммо янги тушунчалар билан янги қоидалар боғланганлиги ҳақида тасаввур ололмаймиз, бу эса энг муҳим нарса. Масалан, пропорцияда четки ҳадларнинг кўпайтмаси, ўрта ҳадлар кўпайтмасига тенглиги маълум. Бу қоидани тенг даражали умумий кўпайтириш амали орқали келтириб чиқариш мүмкін, аммо бундан кўрсатиб ўтилган ҳолат билан икки геометрик нисбатнинг тенглиги ҳақидаги боғлиқлик

ҳақида етарли тасаввур келиб чиқмайди. Илмий ишлар ўқувчиларга таълим бериш мақсадида эмас, билимни систематик ифодалаш мақсадида олиб борилади. Шунинг учун улар умумий амалларни қўллашни яхши кўрадилар. Шу сабабдан олимлар яхши ўқитувчи бўла олмайдилар.

## **12. Таълим мазмуни ҳозирги замон фани даражасига мос бўлиши керак !**

Ўқитувчи ўқувчига энг етук билимларни бериши керак, аммо бу принцип тушунтиришни талаб қиласди, чунки айрим холларда акси бўлган. Бу ўқув предметларини тарихий баён қилишни талаб қиласдиганларга қарши приципдир. Масалан, Каппа ботаникани асрларга, тарихий даврларга бўлиб ўргатишни талаб этган; астрономияни Птоломей системасидан Коперникгача тарихий баён қилиш керак деган. Бундай фикрни биз ҳато деб биламиз, унинг талаби бўйича ўқувчи услубий кўрсатмалар асосида, ўз кучи билан замонавий фан ютуқларини эгаллаган бўлиши керак. Кўрсатмалар ичida ўтмиш, ўтмишдаги ҳато фикр, изланишлар бўлмаслиги керак. Бизнинг услубий принципга кўра, ўқувчи ҳозирги замон физикаси, табиатшунослик, математика, география, астрономия, психология, фалсафа фанлари билан таништирилади. Кейинчалик зарурат бўлса, ўқувчини фан тарихини ўрганишга олиб кириш керак ёки унинг ўзи фан тарихини ўргана бошлайди. Фан тарихини билиш жуда қизиқарли ва фойдалидир, аммо билимларни амалий қўллаш учун ҳар доим ҳам зарур деб бўлмайди.

### **III. Ташқи шароит, вақт, жой, ҳолатга мос ҳолатда ўқитиш қоидалари**

Ўз-ўзидан мактаб ташкил қилинар экан у мактаб умуман олганда болалар учун бўлмайди, балки маълум бир ота-оналарнинг болалари учун бўлади. Ҳар бир мактаб қандай одамларнинг боласи ўқиши, улар қандай қобилиятга эгалигига қараб, ер шарининг аниқ бир жойида, аниқ бир вақтда, хуллас аниқ бир ташқи шароитда ташкил бўлади. Бу шароитларни ҳисобга олиш керак. Қандай қилиб? Қанчалик? Қай тарзда? Ташқи шароитлар турли-туман бўлгани учун, ҳамма ҳолда саволларга жавоб бир хил бўлпмайди, жавобларни қоидага тушуриб бўлмайди. Шунинг учун биз фақат муҳокама қилиниши керак бўлган энг асосий муаммоларга тўхтамоқчимиз. Амалий бажаришга келсак, уни ишга бевосита алоқадор одамлар бажарадилар. Улар ташқи шароитни ҳисобга олиб, ҳар бир ҳолатда ҳар хил йўл тутадилар. Мактаб раҳбари ёки ўқитувчи мустақил фикрга эга бўлиши мумкин. Ҳаёт муносабатлари назарияси китоби айрим ҳолда кўп нарсага эришади, аммо ҳаммасига эмас. Гёте айтганидек: “Энг яхшиси биз ҳаракат қилаётган руҳдир”.

Мавжуд ҳолатларни ҳисобга олиш зарурияти хақида қуидагини айтмоқчимиз:

### **1. Үқувчиларга фанларни кетма кет ўт, бир вақтда эмас.**

Бу принцип ўқиш даврида фанларни тақсимлашни ўргатади. Ҳар бир янги предметни ўзлаштириш озми күпми қийин бўлганлиги учун, бошидан шу предметга эътиборни жалб қилишни, биринчи қийинчиликни бошидан тезроқ енгишни тавсия қиласиз. Турли асосий фанлар билан бир вақтда шуғулланиш болани чарчатади. Ақл бадандек нарса, кўп микдордаги кучли овқат баданга заар. Ақлли одам бир вақтда бир неча фанни ўрганишни бошламайди. Ёшлар ҳам шундай, шунинг учун бир вақтда бир нечта чет тилини ўрганиш нотўғри. Болани кучли эътибори кўпроқ битта предметга қаратилган бўлиши керак. Бир предметни қийинчиликлари енгилганида, иккинчи предмет киритилади. Биринчиси эса, иккинчи даражали сифатида давом этаверади. Бошланғич синфларда бу талаблар унчалик аҳамиятга эга эмас, аммо бу ерда ҳам уни ҳисобга олиш керак. Агар ўқитувчи бир ўзи ишласа, бу қоидани бажариш осон бўлади. Ҳар бир фанни алоҳида ўқитувчи ўқитса, буни бажариш қийин, аммо бажариш керак.

### **2. Үқувчининг келажагини ҳисобга ол !**

Ҳар бир кишига умуминсоний таълим бериш керак. Бу вазифа таълим ва тарбиядаги умуминсоний таълим асосларини ўргатувчи бошланғич мактабга юкланган. Бу вазифани муҳимлигини ҳеч унутмаслигимиз керак. Мактабни тамомлаши билан ҳаёт шароитлари одамга кўплаб талаблар қўяди, шунда олинган таълим, кунлик эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ қисмини осон тўлдиради. Шунга қарамай болани келажак ҳаётда тутадиган ўрнини ҳисобга олиш керак. Агар бошланғич синфдаги болалар кейинчалик олий ўқув юртларида ўқимоқчи бўлса, уларга чуқурроқ билим бериш керак, бошланғич таълим билан чегараланадиган болалардан фарқли ўқитиш керак. Уларга соддароқ, амалий йўналишдаги таълим бериш лозим. Амалий йўналиш деганда мен келажак ҳаёт эҳтиёжигагина мосланишни эмас, балки ақлни пешлаш, яхшиликка ундаш, иродани мустаҳкамлашни, олийжаноб маънодаги амалий йўналишни айтмоқчиман. Агар мактаб фақат келажак эҳтиёжни қондиришга тайёрласа, бу амалиёт эмас, балки ишбилармонлик дейилади. Аммо бундай ўқитиш ҳеч кимни ҳурматини қозонмайди, шу билан бирга яхши тажрибали ишбилармон доим ҳурматли бўлади. Мактаб учун эмас, ҳаёт учун ўқитишни унутмаслик керак. Аммо амалий таълим юзаки таълим дегани эмас.

### **3. Маданиятга уйғун ҳолда ўқит !**

Мен бу ерда бир сўз билан, мавжуд ташқи шароитга, мұхитта мос тарбия ташкил қилиш заруриятига эътибор беришни айтмоқчиман.

Биз таълим тарбиянинг маданиятга уйғунлик принципини ўрнатамиз ва табиий уйғунлик билан ёнма-ён қўямиз. Биринчи принцип иккинчи принципга бўйсунади. Табиий уйғунлик ҳар бир тарбиячи учун олий умумий талаб. Аммо бу принцип тарбияга киритилган, эътиборга лойиқ ҳамма нарсани қамраб ололмайди. Бу принцип ўқитувчи ва тарбиячининг ютуқ ва камчиликларини баҳолашнинг умумий нормасини белгилайди. Маданиятга уйғунлик принципи аниқроқ баҳолайди, яъни тарбияда боланинг туғилган ва яшаётган жойи, вақти, кенг мазмундаги маданиятни ўргатиш керак. Илгари бунга эътибор кам эди. Шунинг учун мен асосий ҳолатларни кўрсатиб ўтаман.

Маданиятга уйғунлик ва табиий уйғунлик принциплари ўртасида тўқнашув келиб чиқиши мумкин. Биз биринчиси иккинчисига бўйсунади деган эдик. Табиатга қарши чиқиши мумкин эмас. Қалбаки таълим, қалбаки маданиятга қарши бўлиб ўқувчиларни табиийликка қайтариш бизнинг бурчимиз. Қалбаки маданиятга қарши курашишда табиатдан ёрдам олиш керак, аммо бу дарров ва осон эмас. Бу борада биз ислоҳат принципини тан оламиз. Одамни қул қилиш табиийлик эмас. Шунинг учун бу шарманда гарчиликни йўқотиш керак. Ақлли одам ҳозир ва ҳамма жойда қулларни озод деб эълон қилган билан иш битмаслигини билади. Модага биноан кийиниши, бу ўқимишли одамлар хос деб ҳисоблаб, фойдалими, зарарлими, ярашадими, ярашмайдими барибир кийинилмоқда. Бу ҳам айрим шахслар учун тана ва ақл қуллигидир. Улар бу модадан дарҳол воз кечиб, ўзига хос кийимлар кийсалар ўзларига фойда бўлмайдими?.

Бу савол баъзи ўйлаб қўришларни талаб қиласди, яъни осонгина модадан кечган одам ўзининг атрофидаги кишиларнинг гап сўзига қолиши мумкин, жиддий зарар қўриши мумкин. Кўпчиликни айтишлари бўйича, умумий таълимга эга бўлиш учун лотин ва грек тилларини билиши керак эмиш, аммо бунга ҳеч қандай далил исбот келтирилмайди, чунки бунинг иложи йўқ. Бизнинг маданиятимиз шу тилларни ёшларга ўргатмай қўйсак ютадими? Буни ҳам ўйлаб қўйиш керак. Ҳамма тан оладиган, олийжаноб, юқори табақа оила қизларининг ақлий ривожланишига француз тилини билиш унча фойда келтирмайди, аммо бу барча қизлар ўқийдиган ўқув юртларидан француз тилини олиб ташлаш керак дегани эмаску. Бу мисоллар билан биз ҳар бир таълим ва тарбияда ўз давримиздаги урф-одатларимизни, миллий маданиятимизни ҳисобга олиш кераклигини тушунтируммоқчимиз.

Бу қай даражада бўлиши кераклигини аниқ айтиб бўлмайди. Аммо табиатга уйғунлик принципи билан маданиятга уйғунлик

принципини қарама-қарши тасдиқни келтириб чиқаради. Табиатга қарши бўлган нарса, қанчалик маданий бўлмасин, у ярамайди. Маданийлик табиийликка қанчалик ҳамо-ҳанг бўлса, шунчалик ҳаёт яхши бўлади. Бундан чиқадиган шиор: Вақт маданияти талаб қиладиган ёки у ҳукмрон бўлган, аммо табиийликни инкор қилувчи ҳеч нарсада иштирок этма, табиатга қарши чиқма, табиийлик ва маданийликни мослаштиришга интил. Табиатга уйғунликни ёки маданиятга уйғунликни қай даражада ҳаётга тадбиқ этиш, мослаш ўзингга ҳавола. Ким замон талабини билса, унга эргашишни ҳам билади, аммо назарий талабларни дарров амалга ошириб бўлмайди. Тўғри, амалиёт ва назария ўртасида келишмовчилик бўлмаслиги керак, чунки тўғри бўлган нарсани ҳаётга тадбиқ этиш мумкин. Назария амалга ошмайдиган бўлса, демак у нотўғри. Барча назарий талаблар ҳаётга эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши керак. Биз ҳаётни бўш жойдан бошламаймиз, балки ўтган аждодларимизнинг ҳаётларини давом эттирамиз.

Демак, бизнинг ҳаётимиз аждотлардан қолган анъаналарга қўра давом этади, яъни у тарих билан белгиланади. Агар биз бор нарса билан, бўлиши керак бўлган нарса ўртасидаги қарама-қаршиликни аниқласак, биз замондошларимизни яхшиликка кўндириб ёмонликдан кечишга кўндира оламиз. Яхшиликни ёмондан ажратиш учун, уни тушуниш учун ривожланган ақл керак, қолаверса бир нарса турли шароитда турлича бўлиши мумкин. Масалан кўнгли пок, халол одамларга очиқ мурожаат қилиш мумкин. Улардан бир умр яхшиликка интилишларини талаб қилиш мумкин. Вижданан тан олиш керакки, ҳамма вақт ҳақиқатни, яхшиликни амалга ошириш мумкин бўлавермайди. Аммо ҳақиқатни излаш, топишга ҳеч қандай тўсиқ бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқат инсониятни муқаддас ва умр хазинаси, унга интилмасдан ҳеч ким яхши фазилатга эга бўлмайди—у субъектив хусусиятдир. Биринчи муқаддас одам(Одам Ато) ҳам уни ўзлаштиришга ҳаракат қилиб, уни фойда зиёнини ўйламади, оқибати ёмон бўлишидан қўрқмади. Ҳақиқатни қўллаш, уни оммалаштиришдан фойда назарда тутилмайди. Ҳақиқатга интилган одам ҳамма нарсани эскича қолдириб, дангаса эканлигини оқлаш учун, уни сустеъмол қилмайди. Биз дунёни яхши томонга ўзгаришини истаймиз. Шунинг учун яшаймиз. Маданий ҳолатини тезда ўзгартириб бўлмаслиги, олийжаноб одам мувоффақиятсизликка учраганда озгина далда бўлади. Бундай одам ишонадики, одамзод ҳеч қачон баркамолликка етишмайди. Чунки, маданиятга уйғунлик принципини табиатга уйғунлик принципига яқинлашиши мумкин. Аммо тўла кесишмайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқат идеалдан доим узоқда бўлади, яъни эришган чўқидан баландроғи доим топилади. Шунга асосан инсониятни камолотга интилиши бўкиёс, чексиздир. Мақсад, ҳаракат жараёнида ўзгаради. Бу маданий ҳолатга мос равишда шаклан ўзгариб боради.

Аниқ даврнинг таълим идеали, шу давр учун таълим мақсадидан иборат. Маданиятга уйғунлик принципи таълим ва тарбияни ушбу иделга эргашишини талаб қилади.

Шу билан, вақтга боғлиқ бўлган ўзгаришларни ҳисобга олиш кераклигини эслатиб ўтган бўлимни тугатамиз.

Педагогика фанини манбааси бўлиб одам табиати ҳақидаги билим ва тажриба турди. Билим тажрибага таянгани учун, тарбия соҳасидаги тажриба ҳақиқий билим манбаасидир. Берилган шароитда турли ҳаётий ҳолатда одам табиатини кузатишдан билим келиб чиқади. Демак педагогика эмпирик рационал фандир. Ҳар бир одам мавҳум эмас. У аниқ индивидул ва аниқ вақтда, аниқ жойда яшайди. Унинг тарбияси умуминсоний табиатдангина эмас, балки вақт, жой, аниқ ўша одамнинг табиати ва у яшаган жой, вақтдаги ҳукмрон фикрларга боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир одамнинг тарбияси инсоният табиати, вақт ва жой талабига бўйсунуши керак. Шунинг учун, педагогика фанига ниҳоясига етган, тугалланган фанга қарагандай қараб бўлмайди. Унинг жуда ихчам умумий қисми ўзгармас бўлиши мумкин. Одам табиати батамом ўзгарганидан кейин, аксарият қолган қисми доим ўзгарувчан вақтга боғлиқ бўлади. Шу ўзгармас фан деган номдан бошқа фанлар қатори педагогика фани ҳам воз кечиши керак (диний таълим тарафдорлари аксини таъкидлайдилар). Дунёда умуман ўзгармас нарса йўқ. Аммо бошқа фанлар каби, педагогика мустақил фан бўлишни истайди.

Бу ўринни әгаллаш учун ҳали кўп харакат қилиш керак, чунки диндорлар педагогикани мустақил фан бўлишига қарши. Илгари бошқа фанларга бўлган муносабат, хозир энди педагогикага нисбатан бўлмоқда. Шубҳа йўқки, бошқа фанларга ўхшаб педагогика ҳам мустақилликка эришади (амалда бўлмаса ҳам назарияда). Диндорлар билан баҳслар тугаталмаслиқдан туриб педагогика бунга эришишга ишонамиз. Педагогика мустақил фан сифатида теология(диний таълим)дан ажраб чиқмоқчи бўлганлиги учун, теология уни нонкўрлиқда, инқилобий фикр юритишда айблаши ҳам тушунарли.

Айрим ҳолатлар педагогикани мустақилликка эришишини секинлаштириши мумкин, аммо бутунлай халақит қилмайди. Бошқа фанларни тарихи унга намуна бўла олади. Бир неча аср олдин теология фанлар подшоси ҳисобланган университетларда теология факультети биринчи ўринда бўлган. У ҳамма фанларни устидан ҳукмронлик қилган. Шифокор беморларни дин маслаҳати билан даволаши керак энди, бунинг учун bemorlarning танасидан иблисни ҳайдаши керак ҳисобланарди. Ҳуқуқшунос диний ривоятлардан қўлланма олиб, қонун қоидалар чиқарар эди. Файласуфлар ўз мушоҳадаларида дин қонунларидан фойдаланаар эди. Айрим фанлар ривожланган сари улар ва дин ўртасида шиддатли қарама-қаршилик бошланди. Бу ҳол бугунгача давом этмоқда. Амма

олимлар муқаддас динга қарши чиқяпти ва ғалаба қозонияпти. Шифокор объектив дүнёни ва одам табиатини ўрганиш асосида даво топмоқда. Хуқуқшунос одам табиати ва ижтимоий муносабатлар табиатидан чиқариб, қонун қабул қилади. Энди у дин пешволаридан никоҳ хақида дин фикрини билмайди. У одам манфаатини күзлаб никоҳ қонун қоидаларини ишлаб чиқади. Файласуф ўз мuloҳазасини эркин тушунтиromoқда. Фақат педагогика теологияни қули бўлиб қоляпти. Аммо у ҳам Кантдан бошлаб теологияга ҳизмат қилиш ўрнига, қўлига машъал олиб йўлни ёритмоқчи бўлди. Бунинг исботи сифатида, Гербарт, Бенека ва бошқа файласуфларни педагогик системалари ва оммавий фаолият билан шуғулланадиган ўқитувчиларнинг педагогик фикрларини кўрматиш мумкин. Бу икки куч ўртасидаги қизғин кураш авж олмоқда. Унинг асосида биз кўрсатган сабаб, у айrim шахсларга тегиши ва баҳс юқорида кўрсатилган муносабатларга қаратилади. Тарих, маданият билан юзакигина таъниш бўлган одам бу кураш нима билан тугашини билади. Одамни билмай туриб, ижтимоий муносабатларни худди севгисиздай олдимиизда турган буюк масалаларни қониқарли ҳал қилиб бўлмайди. Бир куни одам табиати қонунларқандай бўлса, ўшандай мустаҳкам асосларга таянган холда танчлик ўрнатилади.

#### **IV. Ўқитувчига тегишли бўлган ўқитиш қоидалари**

Бу ерда гап ўқитувчининг умумий ҳаёти ва интилишлари хақида, ёки ўқитувчининг умумий фазилатлари: ҳалоллиги, ахлоқлилиги ва бошқалар хақида эмас, балки унинг ўқитишни самарали, умумтаълим қиладиган фазилатлари ҳақида бормоқда. Чунки бу фазилатлар ўқитувчи шахсига боғлиқдир.

##### **1. Ўқитишни қизиқарли қилишга ҳаракат қил!**

Бизнинг диққат эътиборимизни жалб этган нарсани биз қизиқарли деймиз. Бу табиий холда бизнинг ҳаётий кучимизни оширади. Маълумки, биз қизиқсан нарсамиз билан жон-жон деб шуғулланамиз чунки у одамга мароқ бағишлиайди, шунинг учун биз оламонни диққатида бўлишни истасак, биз уни қизиқтириш йўлини излашимиз керак.

Қизиқишни оддий, содда, кундалик нарса билан қозониш мумкин эмас, уни ҳар ким ҳам ҳосил қилавермайди. Энг олий, соф, эркин, қизиқиш ўқимишли одамга ҳос бўлади ва у ўз навбатида таълим беришга қодир бўлади. Ўқитувчи учун қизиқиш жуда катта аҳамиятга эга, чунки қизиқсан ўқувчи фанни осон ўзлаштиради. Ўқишни қизиқарли қилиш учун нима қилмоқ керак. Жавоб: 1) турли усул қўллаш керак, 2) ўқитувчи фаол бўлиши керак, 3) ўқитувчи шахс бўлиши керак. Шунинг учун “Ҳаёт маззаси турлилиқда” деган мақол ишлатилади. Ёшлар ҳамма нарсада, жумладан фанда ҳар хил

хосса, фазилат, шакл, ҳолатни кўришни истайдилар. Оддий, қуриқ, ўлик нарсани ҳаёт учун моҳияти, ёшлар учун керак бўлиши тушуниб бўлмайдиган нарса. Шунинг учун ўқитувчи турли шаклда, бошқача баён этишда изланиши керак. Битта ҳарфни ёзишни ўрганиш учун, бола уни минг маротаба ёзиши керак. Ўйланг қандай зерикарли иш бу. Бунинг учун ўқитувчидан нима талаб қилинади. Шунинг учун ўйланг, изланг, йўлинни топинг!

Аммо турлилик бу ҳаммаси эмас, энг муҳими ҳам эмас. Ўқитувчининг фаоллиги, ҳаракатчанлиги, унинг болаларга нисбатан меҳрли бўлиши, фанига ҳурмати, боланинг кичкина ютуғидан қувониши ҳаммасидан муҳимроқ. Ўқитувчидан баён этишдан кўра жонлантириш муҳимроқ бўлиши керак, ўқитувчи фаол бўлмаса, қандай қилиб ўқувчиларни жонлантиради. Шунинг учун иложи борича бардам, фаол бўлиш керак. Фаоллик деб ноўрин ҳаракатлар, қўл силкиш, юз мимикасини тушунмаслик керак. Фаоллик ички дунё бойлиги бўлиб, албатта у ташки кўринишда, юз ҳаракатларида ҳам ифодасини топади. Айрим инсонлар табиатан қобилиятли бўлишади, аммо бунда тарбия ҳам рол ўйнаган бўлади. Буни ақлий ривожланган ота-оналарнинг болаларида ёки таълим тарбияга қатъий масулият билан қараган ўқитувчиларнинг ўқувчилари мисолларида кўриш мумкин. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўз маҳоратини такомиллаштириш учун ҳаракат қилиши керак. Бунга руҳий фаолияти билан яққол ажralиб турадиган одамларни кузатиш, мулоқотда бўлиш, тўғри турмуш тарзи, ўз устида ишлаш орқали эришилади. Бу тажрибанинг асоси фақат унинг ҳаракатида, ҳаётлигига, Табиат ҳаракати, ҳаёти ҳеч қачон тўхтамайди. Айниқса баҳорда. Болалар дунёсига кириш, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини тушуниш, билиш ва ниҳоят ҳаёт, ҳаракат, ҳаётдаги мақсад ҳақидаги олий диний тушунча(дунё тургунча ҳаракатда бўлиш)лар ёрдамида ҳаракатчанликка эришилади. Қисқача айтганда, ўзингни шахс сифатида тарбияла ва ундан фойдаланиб ўқувчини қизиқтиришга интил. Агар табиатан илоҳий қобилиятга эга бўлмасанг, иложи борича ҳаракат қил!. Ўз иродаси ва ихтиёри билан ҳамма нарсага бўлмаса ҳам, кўп нарсага эришиш мумкин. Кимки ўзига бошқаларни эътиборини жалб қилаолса ўша ғолиб, хукмрон. Зерикиш бошланган жойда, дикқат тугайди, демак таълим ҳам тугайди.

Нима билан ўқувчини ўқишга қизиқтириб бўлади? Фанни ўрганишдан қувонч ҳис қилишига қандай эришиш мумкин? –деган саволларни яна бир марта берайлик. Биринчидан, фанни севинг, сизнинг севгингиз ўқувчига ўтади. Иккинчидан, ўқувчининг фанга нисбатан иштиёқини сезинг, билинг. Учинчидан, фанни дидактик баён этинг. Тўрттинчидан, ўқувчини унча мунча билишини, олдинга қараб бораётганлигини сезган бўлинг ва ўқувчига билдиринг.

Билимли ва уқувли эканлигини билиш қувончлидир! Бола такаббур бўлиб қолади, деб ўйласангиз бу сизнинг хатоингиз!

Сизлар, кап-катта одамлар олдингизда маваффақият турганлигига, сизни қувонч кутаётганлигига ишонмасангиз, ҳаракат қилармидингиз. Болачи? Бундан кечсинми? У ҳали ёш, унинг ўйнагиси келади. Бунинг ўрнига у синф хонасидаги қаттиқ партада ўтириб, ҳали келажак хаётида керак бўладиган (ёки бўлмайдиган) билимни эгаллаш учун, энг мароқли, қайтариб бўлмайдиган соат, кун, ой, йилларини ўтказади! Ахир у рағбатланиши керакку! Буни билмаслик, ваҳшийлиқдир. Буни тушунган, билган ўқитувчи ўқувчининг дўсти бўлади, унда ўқишига иштиёқ туғдира олади. У яхши ўргатиш учун тез-тез ўтилганини тақоррлатади. Олдинги дарсни кейингисида қўллайди. Чунки янгини ёмон билгандан кўра, эскини яхши билган афзалроқ. Шунда, у ўқувчида ўқишига қизиқиши уйғотади. Бир марта уйғонган бу хислат қайтаришни талаб қилмайди. У мактабни, ўқитувчини, фанни севади. Мактабни тамомлагач, у хақида ширин хотиралар сакланади. Ўқишига берилиб кетиш ўзини қайта топиш демакдир.

## 2. Фаол ўргат!

Айрим ўқитувчиларнинг дидактик кучи нимада?—деб мен кўп марта ўйланганман. Нимага бундай ўқитувчилар кўп жойларда етишмайди? Бу фазилатнинг манбаасини ўқитувчининг иродасида, кучли характерида топдим. Бўш иродали, бўшанг характерга эга бўлган одамни бирор соҳада эътибор қозонадиган ўринни эгаллаши қийин. Демак, бўшанг ўқитувчи ёшларни иродали, қатъий билимли қилиб етиштирмайди, унга ҳеч ким ишонмайди. Кучли характерни ҳеч нарса билан: на ибодат, на куй, на сабр-тоқат, на итоат билан алмаштириб бўлмайди. Агар ёшлар ўзидан ўзи шунга эриша олса, унда мумкин эди, аммо бундай фазилатлар ўзича келмайди. Уни бирордан сўраб, ялиниб олиб бўлмайди. Унга ҳаракат билан эришилади. Шунинг учун бу ерда гап қатъий ҳаракат устида бормоқда. Фақат қатъий фаол ҳаракатчан одам – нимани, нима учун истайди ва қандай қилиб бунга эришиш мумкинлигини билган одамгина – кучли характерли, қатъиятли, фаол одамларни тарбиялаши мумкин. Бундай одамларга ёшларни тарбиялашни топширишни ҳоҳламайдиган одамлар бор. Бу характер ёшларда бетга чопарлик, такаббурлиқдек иллатларни тарбиялайди, дин йўлидан булар адашади дейдилар. Бундай фикрга, фақат юзаки ўйлаган одамлар, табиатида ва атроф дунёда буюклик ва олижаноблик кўрмаганлар келади. Афсуски бугунги кунимизга ишончсиз қараган, одам табиатидаги яхшиликка ишонмайдиган одамлар жуда кўп. Уларнинг педагогик фикрлари амалга ошса, бутун дунё педагогик ибодатхонага айланар эди. Биз эса фақат қатъиятлик, жасурлик, мустақилликни яхшиликка, ҳақиқатга хизмат

қилдирувчимиз. Кучга түлиб тошиб ётган ўқитувчининг мактабига бориб, унинг қилган ишларини бир кўринг! Ўқувчиларнинг дикқат тўла қўзлари, ташқи кўринишлари, яхши ривожланган нутқи – ҳамма нарсада ўқитувчининг ҳаракат натижаси билинади. Крез хазинасига эга бўлган одам ҳам, ўқувчиларни келажак ҳаётдаги муаммо ва қийинчиликларидан қутқара олмайдику! Шунинг учун уларга керакли фазилатларни бериш лозим. Ўқитувчилар берадиган бундай фазилатлар чин, самарали бўлади. Улар кучли характерли ўқитувчининг мевалари бўлади.

### **3. Ўқувчини ўқув материалини оғзаки тўғри баён этишга ўргат! Тўлиқ талаффуз, аниқ урғу, аниқ баён этиш ва нутқни мантиқий тузилишини кузатиб бор!**

Бу ерда гап ўқувчилар ҳақида, уларни юқорида айтиб ўтилган талабларни бажарганликларини кузатиш ҳақида кетяпти. Баён этилган дидактик принциплар ўқитувчи фаолиятига қарашли бўлганлиги учун, ўқувчиларга тегишли гап бу ерда ноўриндай туюлади. Аммо бу ўта муҳим бўлганлиги учун ва ўқитувчи бажариши керак бўлганлиги учун биз айнан шу ерда кўрсатишни лозим топдик.

Бу барча таълимга, барча ёд олинган, каллада ўзлаштирилган нарсаларга нисбатан кўриб ўтилади. Ўқувчи ўзлаштирганини тўла ўзининг номидан айтиб бериши керак.

Бу принципни муҳимлигини қайд қилишимиз керак, чунки бу принципга кўпинча роя қилинмайди. Нимаи учун?

Бошқа одамни гапиртиришдан ўзингин гапиришинг осонроқ. Ўқувчини тўғри ва равон гапиришга ўргатиш керак. Бунинг учун ўқувчига доим дикқат эътиборда бўлиш керак, бу жуда катта сабртоқат талаб қиласи, ахир ўқувчининг ҳикояси фақат мазмунлик эмас, балки чиройли, тўғри бўлиши керак. Ўқувчини гапиришдан кўра, тинглашга ўргатиш – ёмон одат. Биз ўқитувчилардан ўта қийин ишда иштирок этишни талаб қиласи, бу ишда фақат ўзидан, ўз манфаатидан кеча оладиганлар қатнашади. Бу қуруқ гап ҳам, осон ҳам эмас – биз буни яхши тушунамиз. Бу ерда айниқса серҳаракат, темпераментли ўқитувчиларга қийин. Улар ўқиши жуда секин борятганидан шикоят қиладилар, ўқитувчи гапирганда ўқувчилар зўр нутқ тинглайдилар, шунинг учун ўқувчиларга фойдали деб ҳисоблайдилар. Аммо фақат эшитиб ўтириб гапиришни ўрганиб бўлмайди. Улар мактаб учун ўрганадими ёки ҳаёт учун. Бундай фикрларни инкор этиб бўлмайди. Қуйидаги ҳолатлар биз иккilanмайдиган ҳақиқатлардан иборат:

1. Тўғри ифода қила олгадиган ўқувчи яхши билади.
2. Фақат айтиб беришни талаб қилиб турилса, ўқувчи тўғри ўзлаштиради.
3. Яхши ўқитувчи, тарбиячи камгап бўлиб, кўпроқ ўқувчини гапиртиради. Эзма, сергап ўқитувчи – энг ёмон ўқитувчи.

Үқувчини шундай ўргатиш керакки, талаб қилинмаган пайтларда ҳам у ҳамма эшитганини ичида түғри ифодалар билан айтиб беришига тайёрланиб юрсин. Мен бир үқитувчини билардим, бир неча соат дарсда у ҳаммаси бўлиб 10 та гап айтмас эди, үқувчилари эса 100 дан кўпроқ айтар эди. Бу хақиқий үқитувчи эди. Болаларни мияси айниганича гапириш, уларни доимий тингловчига айлантириш жуда ёмон одат. Албатта улар диққат билан тинглашни ўрганишлари керак, кўпгина мактабларда шундай усулда қизиқарли дарслар олиб борилмоқда. Аммо үқувчиларни ўзларининг равон нутқи муҳимроқ, у түғри ёзишданам кўра муҳимроқдир. Ахир биз оғзаки нутқда юз марта эшитганларимиз ёзилади, кейин уни үқиймиз. Демак, оғзаки нутқ ёзмадан муҳимроқ.

Яхши талаффузни ўқимишли одамларда учратамиз. Кўп учрамаса ҳам, гапиришдаги четга чиқишилар етарли билимга эга эмаслик белгисидир. Кучли одамларга ҳос бўладиган ифодали аниқ ва равshan нутқ албатта мактабда ўргатилиши керак, чунки мактабда үқувчиларни куч-куввати ривожлантирилади, у ерда ҳамма барча айтилганларга қулоқ солади. Биз келажак дипломатларини ўқитмаймиз, аммо, агар бизнинг үқувчиларимиз келажакда элчи бўлганда ҳам бизга буни фарқи йўқ.

Таллаффуз ва урғу (акцент–талаффуздаги ўзгаришлар) ташқи ва ички жиҳатдан бир бирига боғлиқ, аммо иккаласи ҳам ташқи овозга тегишли. Нутқнинг ички мазмунига, унинг аниқ ифодаланганлиги ва мантиқий тузилиши киради. Бу икки ҳолат ҳам ички ва ташқи жиҳатдан бир-бирига боғлиқдир. Аниқ ифодаланганликда ҳеч қандай иккимаънолилик, тушунмовчилик бўлмайди. Мантиқий тузилган нутқ – бизнинг миямизда бири-бирини ортидан келувчи фикрларни табиий кетма-кетлигидир.

Ноаниқликни айримларни нутқини эшитиб тушуниш мумкин. Масалан, тушунмасдан фикрлайдиган, шу фикрдан келиб чиқиб гапирадиган айрим аёлларни гапини эшитиб ҳеч нарса тушунмайсан, айниқса “у” деган олмошни кимга ёки нимага қаратилганини тушуниб бўлмайди.

Айниқса таълимда түғри тузилган нутқ жуда муҳимдир. Яхши нутқ – ақлли калладан, ёмони – ақлсиздан чиқади. Ақлсиз олдин фикрининг натижасини айтади, қандай йўл билан шундай холосага келганини аранг айтиб беради, сабабини эса бутунлай айтолмаслиги ҳам мумкин. Бундай қилиш ярашмайди.

Үқувчига фикрларини кетма-кет, бир-бирига боғлаб ва тартибли гапириб беришни албатта ўргатиш керак. Нотўғри мужмал нутқа йўл қўйманг! Унда ҳеч қачон аниқ ва мустаҳкам билим, холоса, фикр, кетма-кетлик бўлмайди. Қушни сайрашидан, үқувчини нутқидан билса бўлади.

#### **4.Хеч қачон тұхтама!**

“Тұхташ – ортга қадам босишидір” деган мақолни ёдда тутишни үзи бўлмайди. Бунга бошқаларга билим беришга қодирлигингни, ўз устингда ишлаб туришингни, мактабда, болаларга ўзингдаги бош таълим воситани билганинча бошқаларга ўргатишни давом эттиришингни қўшиш керак.

Таълим ҳеч қачон ва ҳеч қаерда мукаммал тугатилган нарса бўлмайди. У доим ҳаракатда, ўзгаришда, ривожда бўлади, ўсади. Агар бошқаларга ўргатиш учун уларни доим қизиқтириб туриш керак бўлса, бу қизиқтириш ўқитувчининг ўз устида ишлашига боғлиқ бўлса, демак бундай таълим бериш ўқитувчи учун ўз устида ишлашнинг олий даражасидир. Ўқитувчи кўп вақт ўқитиш билан банд бўлгани учун, унинг ўз устида ишлаши бошқа кишиларга нисбатан осонроқ бўлади. Бунинг учун у бераётган таълим ҳақиқатдан бошқаларни ва ўзини ҳам ҳаракатлантириши керак. Агар бундай бўлмаса, демак бу ўқитувчининг берган таълимидан ҳам фойда йўқ. Шунинг учун доим ўз устингда ишла: инсон ва фуқаро сифатида – умумий, ўқитувчи сифатида – маҳсус! Билимларни эгаллашда олға бор, ҳиссиётингни, айниқса этиқодингни ривожлантириб, иродангни мустаҳкамла. Энди эътиқод билан боғлиқ диний билим тўғрисида озгина тұхтаб ўтамиш.

Одамнинг энг чуқур, чарчамасдан интилишларининг туганмас манбаи бу ҳақиқий, соф табиий диндир. Бу ердаги соф, табиий сўзларини тўғри тушуниш, тўғри қабул қилиш керак. Яъни, дин инсоннинг табиатида, қалбида, онгида. Табиий дин тушунчасини мен, бошқаларидан ажратиш учун, айнан одамларга хос бўлмаган ёки сунъий диний оқимлардан фарқлаш учун ишлатяпман. Ўқитувчилар орасида ҳам диндорлик деб дин қонун – қоидаларини таън олишни, эътиқодни ташқи шаклларини бажариш деб тушунадиганлари ҳам чиқмоқдалар. Улар назарида бамисоли дин қалбга, ички хиссиётга боғлиқ эмас, ташқи кўриниш холос. Шунинг учун диннинг ташқи, формал томонларини яхши билувчи, динни яхши ўқитадиганларни диндор деб ҳисоблаб, диндорликни жуда юқори ўлчовда баҳолаб, ўта аҳлоқли ҳаёт кечириб, аммо диний йўл-йўриқларнинг ташқи кўринишларини бажармаган одамлар устидан куладиганлар чуқур адашадилар. Бу борада минглаб одамлар билан боғлиқ, ҳатто ўқитувчиларга доир мулоҳазалар ҳам мавжуд. Мен жуда кўп ўқитувчиларни кўрганман, улар ўзини дин йўлида деб биладилар, барча расм-русумларни бажарадилар. Олоҳга сифиниш тоат– ибодатларни ёддан биладилар, ҳақиқатан динга берилган кўринади. Аммо уларни мактабларидаги ўқувчиларда ҳеч қандай диндорлик, эътиқод кўрмадим, фақат диний матнлар, диний савол-жавобларни ёдлаш холос – бунга нима дейсиз – бу дин эмас. Аммо мен айрим ўқитувчилар хақида улар динга қарши деб эшитиб, мактабга борганимда, ўқувчиларининг юзи-кўзида яхшиликка,

илохий кучга ишонч, имон, эътиқод кўрдим. Бундай ишонч одамни қояга ўхшатади. У чарчамайди, имконияти чегараланган бўлса ҳам халоллик билан бурчини ўтайди.

Ўзингни бир неча болангни ҳам тарбиялаш жуда қийин, доим кўнглингдагидай бўлмайди. Буни ҳамма ота – оналар биладилар, ўзлари бошидан кечирган. Аммо бу ҳолат абадий ёки ҳамма жойда ҳам эмас. Болаларини ўсаётганини кўриб, уларни тарбиялаш муаммоларидан қутилганига хурсанд бўлиб, худога шукурлар қилаётган ота-оналарни кўплаб учратиш мумкин. Бундай ҳолатни ҳеч қандай таъмасиз ўқитувчилар яратмоқдалар. Ўқитувчи бегона болаларни, кўпчилик болаларни тарбиялайди, у абадий болаларни тарбиялайди. Катта бўлган болаларни ўрнига яна кичкиналар келади – бир умр шундай ўтади. Шу туришда қандай қилиб ўқитувчи доим қувноқ, бардам, тинч кўринади. Шу ерда бир мисол келтириш мумкин. Мактаб – узумзор, ўқитувчи эса бу ерда серҳосилликни таъминлаётган боғбон. Бу ўйлар ўқитувчига доим куч бағишлайди, уни меҳнати қадр топмаган вақтда ҳам, у умид билан яшайди, ишлайди. Бундай ўйларсиз ўқитувчи баҳтиёр бўлолмайди.

Ўқитувчи инсониятнинг аҳлоқий ғоясига хизмат қиласди. У ўзининг ғоясига батамом берилган, ғоя унинг вужудини ташкил қиласди. У ғояга эмас, ғоя унга хукмрон. У ўқитувчи бўлиш учун туғилган, уни бошқа бирор ўринда тасаввур этиб бўлмайди. Ўқитиши унинг ҳаётий эҳтиёжига айланган, у бошқача ҳаётни кўз олдига келтира олмайди. Бундай ўқитувчи учун ўқитиши санъатга айланса на ажаб. Бу мўъжиза эмас. Ҳар бир ўқувчининг қалбида унинг сиймоси муҳрланади. Бундай ўқитувчи қанчалик баҳтли бўлса, унда ўқиганлар ҳам шунчалик баҳтли.

Бундай чўйқига фақат илохий қобилиятга эга бўлган камдан-кам ўқитувчилар кўтариладилар. Биз, қолганлар эса бор кучимизни, билим қобилиятимизни бизга ишонганларга бағишлишимиз керак. Ўқитувчи ўқувчи учун намуна бўлиши керак. У ўқувчи учун етук ўқимишли, баркамол бўлмаса ҳам, унга интилган бўлиши керак. Мактабда энг муҳим одам, ўқувчилар учун тирик намуна – ўқитувчининг ўзи. Ўқитувчи – ўқитиши усулининг натижаси, таълим-тарбия принципларининг тирик намоёндаси. Унинг шахсияти, ҳурмат, обрў, куч бағишлайди. Мактабнинг обрўси ўқитувчиларининг обрўси билан ўлчанади. “Ўқувчиларингни менга қўрсат, мен сени кимлигингни айтаман!” деганларидаи, мактабга борсанг, ўқитувчини кўрасан, у билан яқинроқ, батафсил танишасан.

## **Хулоса**

Юқорида бевосита Дистервегнинг китобида берилган қоидаларни қандай бўлса шундайлигича келтиришга ҳаракат қилдик. Энди шу қоидалар асосида ҳосил бўлган хулосаларимизни келтирамиз.

Дистервег ўз қоидаларида умуминсоний тарбия ғоясини ҳимоя қилиб чиқкан, шу идеяга таяниб туриб, педагогика масалаларининг юқори тоифавий ва шовинистик манфаатларини кўзлаб ҳал қилишга қарши курашган. Унинг фикрича мактабнинг вазифаси инсонпарвар кишилар ва онгли фуқаролар тарбиялаб етиширишdir. Одамларда инсониятга ва ўз ҳалқига бўлган муҳаббат бир–бирига чамбарчас боғланган ҳолда ривожлантириши лозим. Дистервег “инсон – менинг номим, немис – менинг лақабимдир” дейди.

Дистервег тарбиянинг энг муҳим принципи унинг табиатга уйғун бўлишидир, деб ҳисоблайди. Дистервег тарбиянинг табиатга уйғун бўлишини қуидаги мазмунда талқин қиласди, яъни тарбия одамнинг табиий камол топишига қараб олиб борилиши, ўқувчининг ёши ва ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши керак, дейди. Дистервег ўқитувчилар болалар дикқати, хотираси, тафаккурининг ўзига хос белгиларини синчиклаб ўрганишлари керак, деб айтади

Дистервег табиатга уйғун бўлиш принципига қўшимча равишда тарбия маданий уйғун характерда бўлиши ҳам керак деб талаб қиласди. Дистервегнинг одам табиатини ва тарихий тараққиётини идеалистик нуқаи назардан талқин. Дистервег боланинг табиати билан ҳисоблашиш зарурлигини кўрсатиб ўтиш билан бир қаторда, ўзгариб борувчи ижтимоий ҳаёт талабларига мувофиқ болани инсониятнинг замонавий муваффақиятлари юксаклигига кўтаришни талаб қилган.

Дистервег тарбиянинг олий мақсадини белгилаб берган. У таълимнинг асосий вазифаси болаларнинг ақлий кучларини ва қобилиятларини ўстиришдан иборатдир, деб ҳисоблайди. Формал таълимни моддий таълим билан чамбарчас боғланганлигини кўрсатиб берган. Дистервег ўқувчининг ўзи мустақил олган билимлари ва малакаларигина қимматга эгадир, деб уқтириб ўтган.

Таълим инсоннинг ҳар томонлама камолотга етишига ва унинг аҳлоқий тарбиясига ёрдам бериши лозим. Ўқитилаётган ҳар бир нарса таълим жиҳатидан қимматга эга бўлиш билан бир қаторда, аҳлоқий аҳамиятга ҳам эгадир деб ҳисоблайди.

Дистервег ватан тарихини ва географиясини, она тили ва адабиётни ўқитишнинг болаларга таълим беришда катта роли борлигини кўрсатиб ўтган. У табииёт ва математика фанларга айниқса юксак баҳо бериб, бу фанлар болаларнинг интелектуал ўсиши учун муҳим восита эканлигини кўрсатган ва ҳамма типдаги умумий таълим мактабларида бу фанлар ўқитилиши лозим деб ҳисоблаган.

Дистервегнинг фикрича, бошланғич мактабда ўқувчиларни ўқитилган материални ўзлаштириш устида мустақил ишлай оладиган қилишга, уларда бунинг учун малака ҳосил қилишга, уларнинг ақлий куч ва қобилияtlарини ўстиришга асосий эътибор берилиши зарур. Ўқитувчи кўрсатмали ўқитиш йўли билан болалардаги барча сезги органларини ўстиришга алоҳида эътибор бериши лозим.

У ўрта мактабда реал билимларни ўқитиш принципини қизғин химоя қилган ва ўз замонидаги классик гимназияни қоралаган.

Дистервег юқорита келтириган қоидалари асосида такомиллашиб борувчи таълим дидактикасини яратган.

Дистервег ўрганилаётган материални онгли равишда ўзлаштиришга катта аҳамият берган. Ўқувчиларнинг ўрганилган материал моҳиятини аниқ ва равshan баён қилиб бера оладиган бўлиши, шу материалнинг ўзлаштирилганлигини кўрсатувчи белгиларнинг биридир деб таъкидлаган.

Дистервегнинг таъкидлашича, муваффақиятли таълим ҳамиша тарбияловчи характерда бўлади. Бундай таълим боланинг ақлий кучларинигина ўстириб қолмайди, балки шу билан бирга унинг шахсини, иродасини, сезирлигини, хулқ – авторини ҳам камол топтиради.

Дистервегнинг фикрича, ўқитиш чоғида болаларнинг ташаббускорлигини ўстириш, уларни билимлар билан қуроллантириш ўқитувчи раҳбарлик ролини ўйнаганидагина мумкин бўладиган ишдир. У таълимнинг муваффақиятли бўлиши оқибат натижада дарслик ёки методга эмас, балки ўқитувчига боғлиқ деб таъкидлайди.

Дистервег ўқитувчининг ўзи устида мунтазам ишлашига жуда катта аҳамият берган ва ўқитувчиларга ўз билимларини қандай қилиб оширишлари тўғрисида бир қанча қимматли маслаҳатларни келтирган. Ўқитувчиларга ўзлари ўқитаётган фанга тааллуқли асарларни биринчи навбатда ўқишини тавсия қиласди, шунингдек, ўқитувчи тарих ва адабиётни билиши, шунингдек, педагогика, психология ва методикага доир чиқаётган янги асарларни ҳамиша кузатиб туриши керак, деб таъкидлайди. Дистервег ўқитувчиларни амалий педагоглик маҳорати ва малакалари билан қуроллантиришга катта аҳамият берган.

Дистервег Европа давлатларида ҳурмат билан тилга олинади. Германия ҳукумати томонидан Дистервег номидаги медаль таъсис қилинган. Энг яхши ўқитувчилар ва халқ маорифи ходимлари шу медаль билан мукофотланади.

Биз ўйлаймизки, ушбу рисола Дистервегнинг педагогик мероси бўйича дастлабки ўзбек тилида тайёрланган асар бўлиб, ўзбек ўқитувчилари учун ҳам маълум бир маънода қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

## **М У Н Д А Р И Ж А**

<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>I. Ўқувчи шахсига қаратилған таълим қоидалари.....</b>	<b>4</b>
<b>II. Ўқув материалы, объектига тегишли таълим қоидалари...</b>	<b>33</b>
<b>III. Ташқи шароит, вақт, жой, ҳолатта мос ҳолатда ўқитиш қоидалари.....</b>	<b>41</b>
<b>IV. Ўқитувчига тегишли бўлган ўқитиш қоидалари.....</b>	<b>46</b>
<b>Хулоса.....</b>	<b>53</b>

**Ў. Йўлдошев, М.Юсупов, А.Зияев.**

## **ДИСТЕРВЕГНИНГ ДИДАКТИК ҚОИДАЛАРИ**

**Илмий рисола**

**Муҳаррир:**

**М. Содикова.**

**Нашриёт рақами . Теришга берилди 25.05.09.  
Босишига рухсат этилди 28.06.09. Ҳисоб нашриёт табоғи 3,5.  
Шартли б.т. 3,0. Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган нархда.**

**“Фан” нашриёти:  
Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 79 уй.**

**“ФТМнинг босмахонаси”да чоп этилди.  
Тошкент, Олмазор кўчаси, 171 уй.**